


# ИШОНСН

**Тоғларга чиқсанг гар, тошни қулатма,  
 Булоқлар кўзини беркитмасин у.  
 Майса, чечаклару бинафшаларга  
 Ҳаёт кўшиғини куйласин мангу.**



## Ҳафтанома

14 май

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон — Россия бизнес-форуми бўлиб ўтди.

15 май

Тошкентда инновацион ахборот воситалари ва материаллари ёрдамида гўдакларнинг парваришига ёндашувни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар ўз ишини бошлади.

17 май

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Тошкентда «BEST SOFT — UZBEKISTAN-2007» дастурий маҳсулотлари биринчи миллий кўргазмаси очилди.

Пойтахтимизда «Ўзбекистон нефт ва газ — 2007» халқаро кўргазмаси доирасида очилган «Ўзбекистон нефт ва газ саноати: ривожланиш тамойиллари ва ҳамкорлик истиқболлари» мавзусидаги халқаро конференция якунланди.

17-18 май

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, қишлоқ хўжалиги тизимида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йилдаги ижроси ҳамда 2007 йилнинг биринчи чораги якунлари муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Марказий банк ахбороти	1 Австралия доллари 1036,47	1 БАА дирхами 342,19	1 ЕВРО 1709,97	1 Хитой юани 163,11	1 Турк лираси 932,33
	1 Англия фунт стерлинги 2509,16	1 АҚШ доллари 1256,78	1 Россия рубли 48,77	1 Кувайт динори 4347,07	1 Япон иени 104,91

# Ҳаётлар

## Ижодкор билан учрашув

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетиде талабаларга ўқилган маърузалар амалий машғулотлар билан уйғун тарзда олиб борилади. Машғулотлар жараёнида республикада кўзга кўринган, тажрибали журналистлар жалб этиб келинади. Талабаларга «Журналистик текширув» курсидан сабоқ бериб келаётган устозимиз Шавкат Миралимов машғулотларга тажрибали журналистлар, собиқ шоғирдларини таклиф этади.

Яқинда факультетимизда ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Айни пайтда Навоий вилояти бўйича «Ишонч» газетаси муҳбири бўлиб фаолият юритаётган Мансур Аловуддинов касбимизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапириб берди. Журналистик текширувнинг талаблари, олиб бориш усуллари ва ўзлари олиб борган текширувлар жараёни ҳақида батафсил маълумот берди. Қизгин тарзда ўтган мулоқот жараёнида талабалар кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Мулоқот сўнггида ўнга яқин китоблар муаллифининг ижод намуналаридан баҳраманд бўлдик.

Шавкат НУРОВ,  
ЎЗМУ талабаси

## «Сарбон»нинг ҳиммати

Қаршидаги «Сарбон ЛТД» хусусий корхонаси ўн йилдан бери аҳолига умумий овқатланиш, савдо ва сервис хизмати кўрсатиб келмоқда.

Яқинда шаҳарнинг 4-миттитуманида 40 ўринли замонавий «Сарбон» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Икки қаватли иншоотнинг барча бинолари сўнгги русумдаги уй-рўзгор техникаси, алоқа воситалари, бежирим мебеллар билан жиҳозланган. Кичик ресторан, сауна, автомобиллар кўйиш жойи мижозлар хизматида.

Ижтимоий ҳимоя йилида мажмуа жамоаси хайрли ишга қўл урди. Кам таъминланган оила фарзандларидан 10 нафарининг суннат тўйи ўтказилиб, уларнинг ҳар бирига бош-оёқ сарпо қилинди ва пул маблағлари қўйилган омонат дафтарчалари топширилди.

Иzzат ҲИКМАТОВ,  
«Ishonch» муҳбири

## Элимизга олтин тўйлар ярашади

50-60 йил бирга яшаган, баркамол фарзандларни вояга етказган қарияларнинг олтин тўйларида ҳеч бўлганмисиз?

Яқинда ана шундай тантана Гулистон шаҳридаги «Никоҳлар саройи»да бўлиб ўтди. Ибратли тўйларнинг соҳиблари кимлар дейсизми? Аюб ота ва Энахон ая Ҳақимовлар Сирдарё туманидаги «Ўзбекистон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида истиқомат қилишади. Улар 13 фарзандни вояга етказишди, 60 йилдан бери иноқ ва аҳил яшаб келишяпти.

Иккинчи жуфтлик улардан бироз ёшроқ Назарқул ота билан Зулфия ая Абдукаримовлар бирга яшаётганларига эллик йилдан ошди. Иккаласи ҳам чўлни ўзлаштиришда меҳнат қилиб, обрў-этибор топганлардан.

Вилоят ҳокимининг муовини, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилшода Ҳайдарова, касаба уюшма ташкилотлари вилоят бирлашмаси номидан Юсуфжон Ўтаганов, «Никоҳлар саройи» мудираси Раъно Бобоева, вилоят «Оила» шимий-амалий маркази ходимлари сўзга чиқиб, оилани жамят гултожи эканлигини таъкидлаб, ибратли оилалар кўлайиб бораётганини алоҳида эътироф этишди. Маросим соҳиблари ва соҳибалари шаънига илиқ тилаклар айтилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

Сенатор Ҳаётхон Ортиқбоева сўзлари айниқса, унутилмас таассурот қолдирди:

— Оила деган муқаддас кўрғонни аёлнинг меҳр-муҳаббати, вафосию садоқати худди шамчироқ янглиғ ёритиб туради. «Никоҳлар саройи»да деярли ҳар куни неча-неча ёшлар бахт оғушида, орзулар қанотида келиб, умрбод бирга яшашга қасамёд қиладилар. Бугунги нуруний отахонлар ва онахонларимиз бахтини уларга ҳам насиб этишини тилаймиз.

«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларининг бадий ҳаваскорлик дастаси маросим қатнашчиларини дилрабо куй ва кўшиқлари билан қутлади.

Пиримқул ДЎСТМУҲАМЕДОВ,  
«Ishonch» муҳбири

## Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни олдида

Гапдан-гап чиқиб бир куни яқин дўстим қизик савол бериб қолди.

— Шундай касб эгалари борки, уларсиз шахримиз гўзаллиги узоққа бормайди. Топ-чи ким?

Унинг бу саволи мени дастлаб ажаблантирди. Тўғри-да, ахир нурчилар куну тун шахримизни чарогон қилишса, ўз навбатида газчиларимиз ҳам бу ишга баҳоли қудрат ўз хиссаларини қўшиб келишмоқда. Транспортчиларни айтмайсизми? Бу рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин.

Фикримни эшитиб, шеригим кулимсиради.

— Ҳа, албатта. Ҳар бир касбнинг кундалик турмушимизда ўз ўрни бор. Лекин «Махсустрас» тармоғида фаолият юритаётганлар меҳнати ҳар қанча эътирофга лойик. Кундан-кун чирой очиб бораётган шахримиз ободлигида мазкур соҳа ходимларининг тутган ўринлари бўлақча.

Чунки пойтахтимизда кунига қанчадан-қанча чиқинди чиқади. Уларни йиғиштириб олиш, белги-ланган жойга топшириш, зарарсизлантириш қисқа вақт, улкан меҳнат талаб қилади.

бир фуқарога кунига 0,002 м<sup>3</sup> чиқинди тўғри келади. Шу боисдан ҳам олдимизда уларни йиғиштириб олиш, тўплаш ва зарарсизлантириш ҳамда қайта ишлашдек массулиятли вазифа туради. Вазирлар Маҳкамасининг «1999 — 2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракат дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2002 йилда қабул қилинган «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонун фаолиятимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда чиқиндиларни бошқариш»

станция қуриб битказилди. Чиқиндилар шу ерда йиғилиб, махсус контейнерларга жойланади ва Оҳанга-ронга олиб чиқиб кетилади.

Илгариги фойдаланган машиналаримизни яхшилаб таъмирлаб, Андижон, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларидаги ҳамкасбларимизга етказиб бердик. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига биноан бу иш бепул амалга оширилди.

— Қарс икки қўлдан чиқади, дейди доно халқимиз. Сизнинг бу эзгу ишингизга ҳамшаҳарларимиз қай тариқа жавоб беришлари лозим?

— Ҳозирги пайтда шахримиздан чиқаётган чиқиндиларнинг 70 фоизи хонадонлар хиссасига тўғри келяпти. 30 фоизи эса корхона, ташкилот, муассасалардан тушади. Ўз ўрнида шаҳримиз фуқароларидан бир нарсани илтимос қилардим. Кўпинча қурилиш чиқиндилари маиший чиқин-

тирганмиз. Улардан ўғит олиш ҳам йўлга қўйилган. Мен чиқиндиларни бир тулпорга қийсламан. Уни жиловлаб олиш ҳамда халқимиз фаровонлиги йўлида ишлатиш учун бош қотираямиз. Тажриба алмашиш учун Кореяда бўлдик. Дублин шаҳар иш тажрибаси билан ҳам танишдик. Кузатишларимизга асосан, кейинги йилларда шахримиздаги аҳвол анчайин яхшиланди, десак янглишмаган бўламиз.

Энди чиқиндилардан энергия олиш масаласига келсак, ривожланган мамлакатларда бу нарсани йўлга қўйилган. Айтиш мумкинки, бу борада бизда ҳам ишлар бошлаб юборилган. Лекин бундай электр-энергия таннархи анчагина қimmatга тушади. Ундан фойдаланувчи мижоз топиш яна бир муаммо. Вақти келар, бу ишни бошлаймиз ҳам. Чунки дунё тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, биогазнинг энерге-

# МАШАҚҚАТЛИ, АММО ШАРАФЛИ

## касб эгалари ҳақида



Шу суҳбатдан сўнг менда мазкур соҳа ҳақида ёзиш истаги пайдо бўлди. Тошкент шаҳар «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамадалиев билан суҳбатимиз қизгин кечди.

— Тизимимизда 2 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. 31 минг корхона, ташкилот ҳамда муассасалар билан шартнома тузганмиз. Шу билан бир қаторда, мавжуд 480 мингдан зиёд хонадонга хизмат кўрсатамиз. Эътибор беринг, кунига 2 минг тоннадан зиёд чиқинди олиб чиқиб кетилади, зарарсизлантирилади. Айниқса, ёзги ва кузги пишиқчилик вақтларида ишимиз кўпайгандан кўпаяди. Қовун-тарвуз, мева-чева дегандек. Бундай вақтларда чиқинди ўз вақтида олиб чиқиб қетилмаса, хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Махсус машиналаримиз шахсий хонадонларга ҳафтасига икки марта қатнайди. Кўпқаватли уйлар олдида чиқиндилар учун ажратилган майдончаларимиз бор. Уларга махсус операторлар бириктирилган. Аҳоли жон бошига ойига 250 сўмдан ҳақ оламиз. Эътиборли томони шундаки, бу нарх 2002 йилдан буён ўзгармаган.

Аҳолидан йиғиб олинган чиқиндилар махсус станцияларга олиб борилади ва контейнерларга юкланиб, Оҳангарон туманидаги 55 гектарлик махсус жойда зарарсизлантирилади. У ерда чиқинди таркибидаги темир ва бошқа нарсалар ажратиб олинади.

— Кейинги йилларда соҳада қатта ўзгаришлар юз берди. Шу жумладан, хизмат кўрсатиш маданияти ҳам яхшиланди.

— Албатта, давр қайси соҳада бўлмасин, кескин ривожланишни талаб қилмоқда. Тасаввур қилинг, сўнгги маълумотларга кўра шахримизда яшовчи ҳар

лойиҳаси ҳам фаолиятимизда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юқоридаги ҳужжатлар асосида «Тошкент шаҳри санитар тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга асосан, Жаҳон, Европа ҳамда Ўзбекистон банклари бизни маблағ билан таъминлади ва натижада 300 дан зиёд янги машиналар, 12 мингга яқин қутилар сотиб олдик. Юқоридаги машиналар Корея ҳамда Германия мамлакатларидан келтирилган. Ҳайдовчилар ҳам ўша жойда ўқитилди.

Маълумки, ҳар бир янги машина назоратдан ўтказиб турилмаса, ундан узоқ вақт фойдаланиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам машиналарни таъмирлаш учун Марказлашган махсус устахона ташкил этилди. Эндиликда ҳайдовчиларимиз эҳтиёт қисм қидириб, қўллари мойга беланиб юришмайди. Улар фақатгина машина ҳайдайдилар холос.

Яна бир гап. Илгарилари машиналар чиқиндиларни Оҳангаронга олиб боришар эди. Бу албатта, кўп маблағ талаб қилади. Эндиликда пойтахтимизнинг ўзиде 3 та

диларига аралаштириб юборилади. Устига-устак махсус чиқиндихоналар бу ёқда қолиб, кўпинча кўча юзига чиқинди ташлаб кетиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Ёки бўлмаса сунъий чиқиндихоналар пайдо бўлмоқдаки, бу ҳам ишимизга қатта зарар етказмоқда.

Тўғри, биз айни вақтда фаолиятимизни ташкилий жиҳатдан тўғри йўлга қўйиб олганмиз. Шаҳримиздан яна икки баробар кўп чиқинди чиқса ҳам уни йиғиштириб олишга имкониятимиз етарли. Ҳамшаҳарларимиз чиқиндиларни белгиланган жойга ташлашса, шу билан бирга тўловларни ўз вақтида амалга оширишса, бизга қатта ёрдам берган бўладилар.

— Чиқиндилардан оқилонга фойдаланилса, энергетика соҳасига қўшимча равишда қувват олиш мумкин, деган фикр анчадан буён мавжуд.

— Тўғри айтасиз, бу жиҳат бизни ишга ижобий ёндашишга, фикрлашга ундамоқда. Биз 2 минг тонна чиқиндидан 400 тоннасини қайта ишлашни режалаш-

тика балансидаги улуши Австрияда, Швецияда, Финляндияда 5 фоиздан 10 фоизгача ташкил этади. Биогаз қурилмаларидан фойдаланиш бўйича Хитой мамлақати дунёда етакчилик қилмоқда.

— Юқорида айтиб ўтганингиздек, соҳангиз қийин, лекин шарафли. Шу ўринда бир савол туғилади. Тармоқ ишчи-хизматчилари ўз вақтида ва муносиб рағбатлантирилмоқдами?

— Албатта. Ҳозирда 1800 нафар ишчимиз бор. Улар асосан ҳайдовчи ҳамда юкловчилар. Ўз меҳнатларига яраша рағбат олишмоқда, доимий равишда махсус кийим-бош билан таъминланиб, маошлар ўз вақтида бериб берилмоқда. Аксарият ходимлар «Оқтош» дам олиш уйида соғлиқларини тиклашмоқда. Биз бундан кейин ҳам касаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда уларнинг иш ҳамда дам олиш шароитларини яхшилаб бораверамиз.

Суҳбатдош:  
Неъмат РАФИҚОВ,  
«Ishonch» муҳбири

# Аёл ва жамият

## Ислом КАРИМОВ:

Аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шакллари кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш керак. Шунинг учун унутмайликки, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилар кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди.

Инсонпарвар, ҳуқуқий, демократик фуқаролик жамиятида қонун ҳақиқат устувор. Бунинг қуйидаги биргина мисолда ҳам кўриш мумкин.

## «Ўз аризасига кўра...»

Ўқуа иш берувчининг найрағи ўтмади



Сарлавхани ўқиб қўйиб «Суюнчи» фильмидаги Анзират буви келгани рост. Кишлоқдаги барча оилаларни беш кўлдек биладиган, ҳар бир хонадондаги аҳвол билан яқиндан таниш Анзират буви кимнинг дарвозасига қулф тушгани, кимнинг отаси шифохонада эътиборсиз қолганига, кишлоқ ўғрисида тортиб, дўкондорнинг хийла-найрағи, хатто сел ювиб кетган кўприги бўйи етган қизларига, футболчи невараларининг орзу хавасию улар синдирган дераза ойналарига билади. Кишлоқдаги ана шу ташвишлар билан яшайди. Уларни йўл-йўлакай, ими-жимиди хал қилиб кетаверади. Нотинч оилаларни яраштиргани, ўғри-каззобларни тўғри йўлга солгани, одамларни ҳашарга чорлаб, эзгу ишга бош бўлгани учун у ҳеч қачондан маош олмайди, ҳеч кимга ҳисоб ҳам бермайди. Виждони буюргани учун бу ишларни қилади. Шу боис уни «кишлоқнинг виждони» деб аташади.

## Маҳалланинг

## ВИЖДОНИ...

Аслида бугунги маҳалла оқсоқоллари уларнинг маслаҳатчилари ҳам қишлоқнинг виждони бўлиши керак. Чунки халқ уларга ишонч билдириб сайлаган. Халқнинг ишончи эса катта масъулият. Уни оқлаш ҳам қарз, ҳам фарз.

Майрам Нарзиева ҳам эл олқишини олиб, унинг ишончини оқлаб келаётган фидойи, ташаббускор, ўз сўзи, яшаш тарзи билан ҳамқишлоқларини яхшилик томон бошлаш олдидан маслаҳатчилардан.

Бу тиниб-тинчимас аёл қарийб 35 йил Наим Раёлов номли мактабда ўқитувчилик қилди. Саккиз фарзандини турмуш ўртоғи Қайом Ашуров билан биргаликда тарбиялаб, элга қўшди. Ўғил-қизларининг бари элга ҳурматли, ўз ишига садоқатли.

Майрам Нарзиева педагог эмасми, «Котиён» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишга ўтгандан бошлаб, маҳалласини ҳам ўз оиласи деб билди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар маҳалланинг эътиборида бўлди. Муаммолар ечими ҳам четдан изланмай, ўз ўрнида ҳал этилди. Маҳалла оқсоқоллари, нуро-

ний отахону онахонлар маслаҳати билан ёшлар тарбияси қатъий назоратга олинди. Айниқса, қизларни оилага тайёрлаш масаласи оналар билан биргаликда ҳал этила бошланди. Касаначилик кенг йўлга қўйилиб, аёлларнинг жамият ва оила юмушларини бирга олиб боришларини шароит яратилди. Бу ишга тадбиркорлар, фермерлар жалб этилди.

Тўй-ҳашамлар, маросимлар ихчамлаштирилди, беҳуда исрофгарчиликларга чек қўйилди. Майрам опа атрофига фидойи, ишнинг кўзини биладиган онахонлар, маънавиятли, заҳматкаш аёлларни тўплаб, уларни маҳалла ободлиги, келажаги учун эзгу ишларга жалб этди. Маҳаллада «меники», «сеники» деган сўзларга чек қўйилиб, дўстона муносабат ўрнатилди.

— Қадим Шарқда азалдан маҳалла муқаддас саналган, — дейди М.Нарзиева. — Маҳалла ватан ичидаги ватан бўлса, оила ватан ва маҳалланинг асосидир. Оила мустақкам бўлгандагина маҳалла, Ватан қудратли, барқарор ва осойишта бўлади. Шу сабаб биз аввало оилалар

фаровонлиги ва мустақкамлигига эътибор берамиз. Қолаверса, аёл — оиланинг чироғи, чироқ порлаб турар экан, оила безавол яшайди.

Майрам опа севимли шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ ичига кучоқ очиб кириб борганлардан. У маҳалладошларининг орзу-хаваслари билан яшайди. Уларнинг ютуқларидан шодланиб, ташвишларига шерик бўлади. Муаммоларни ҳал этмагунча ўзи ҳам фаолларини ҳам тинчитмайди. Шу боис маҳаллада уни ҳамма ҳурмат қилади, берган топшириғи-ю насиҳатини инобатга олишади. Бирорта сўзини ерда қолдиришмайди. Оналар қизларига бахт тилаганда, Майрам опангдек ували-жували, элга эътиборли, ҳурматли бўл, дейишади. Никоҳ тўйларига ирим қилиб, фарзандимиз сиздек камолли бўлсин, дея Майрам опани қудабоши қилиб жўнатишади. Хуллас, Майрам опа ҳам Анзират буви мисол қишлоқдошларининг виждонига айланган.

А. НАБИЕВА,  
Шофиркон тумани

## Келин

Келиннинг умри қайнонани пойлаб ўтди. Ишга кетаркан, болаларига «Бувингга кўз-қулоқ бўл. Бирор нарса илдириб, аммангникига кетиб қолмасин», — деб тайинлагани тайинлаган бўларди.

Шўрлик онаизор эса ночоргина яшаётган қизига нималарнидир илинарди. Тансиқ таом тановул қилаётганида томоғини нимадир бўғарди. Қизини, набираларини ўйлаб кетарди. Аҳён-аҳёнда қизиникига борганида «Набираларим қўлимга қарайди», — деб олган қанд-қурси ҳам гап-сўзга сабаб бўлгани боис ўлига орини солмай қўйганди.

...Орадан йиллар ўтди. Қайнона бандаликни бажо келтирди. Энди келиннинг ўзи қайнона. Ўғри мушукдай ҳали эридан, ҳали ўғлидан яшириб қизлариникига ташигани ташиган.

Уни кузатиб турган келин эса қовоғини уяди. Қайнонадан норозиликни қосани товоққа, қапқирни қозонга уриб, севдириб қўяди.

Шундай лайдда аёл қайнонасини эслаб кетади. Оналар ҳақиқат қайси фарзанди ночорроқ кун кечирса, шунга қайишини, шунини ўйлаб егани захар, қийгани қафан бўлишини аллақачон тушуниб етган. Энди эса иззатини жойига қўйи деса қайнона йўқ. Келинига тушунтирай деса у ҳали қайнона бўлиб кўрмаган.

Келиннинг қиёфасида ўз аксини кўраётган, дардини индамайгина ичига ютади...

Лола ЎРОҚОВА

Касаначилик халқимиз учун янгиллик эмас. Чунки қадим-қадимдан кекса бобо-момоларимиз ўзларининг беназир хўнарлари билан уй шароитларида турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариб, рўзгорларини бут қилганлар. Қишлоқ аёллари, зебо келинлар, барно қизлар уйда ўтириб, тикиш-бичиш билан машғул бўлганлар. Баъзилари дўппи тикса, баъзилари каштачилик, зардўзликни жойига қўйганлар. Чевар қизлар буюртма олиб, бир-биридан чиройли гилам, олача, пайпоқ тўқиган.

Мамлакатимиз Президентининг «Йирик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу ҳаракатга янгича мазмун бахш этди. Сабаби ка-

## «Машҳура-М»да фақат касаначилар ишлайди

саначилик ишсизликнинг олдини олиш, йирик корхоналар иши самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Сирдарё вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Гулистон шаҳридаги «Машҳура-М» кичик корхонасида бугун 50 нафарга яқин хотин-қиз уй шароитида ишлаб, мўмай даромад топтомоқда. Корхона раҳбари Мавжуда Рустомова соҳани жуда яхши биледи. Бир пайтлар шаҳардаги тикув-атторлик фабрикасида уй шароитида ишлайдиган корхона ишчилари фаолиятига бош-қош бўлган. Ушанда катта корхонада 500 нафар хотин-қиз касаначилик асосида ишлаган. М.Рустомова 2001 йилда кичик корхона ташкил этиб, касаначиликни йўлга қўйди.

Дастлабки йили 5 нафар, иккинчи йили 10 нафар, кейинчалик эса 20 нафар ишсиз хотин-қизни иш билан таъминлади.

— Касаначилик катта фойда келтирувчи, истиқболли соҳа, — дейди М.Рустомова. — Чунки кўпга қўли гул аёлларимиз рўзгор, бола-чақа ташвиши билан бўлиб, уйда ўтирибди. Бирининг ёш боласи, бирининг эса кекса ота-онаси бор. Устига-устак бирор корхонага қатнаб ишлай деса, йўл харажати чақади. Гулдай хўнари бор бундай аёллардан фойдаланиш керак. Юртбошимизнинг соҳани ривожлантиришга оид Фармонининг эълон қилиниши айни муддао бўлди. Оила даврасида ўтириб, ишлаб, яхши ҳақ олиш кимга ҳам ёқмайди, дейсиз.

Озода Омонова, Меҳринисо Нишонова, Сабоҳат Қўзибоева каби аёллар касаначилик билан шуғулланиб,

мўмай даромад кўрмоқда. — Бу ишнинг йўлга қўйилиши биз каби уйда ўтирган аёлларга катта қулайлик бўлди, — суҳбатга қўшилди касаначилардан бири Тўтинисо Омонова. — Бизларга иш стажини ҳисоблашни, пенсия ва ижтимоий суғурга бўйича нафақалар тайинлашни катта қулайлик яратади. Уй шароитида ишлаб, ҳар ойда яхшигина ҳақ олягимиз. Ахир ишламаётганимизда, бу пулни биров берармиди? Жамоа аҳли ўтган йили 70 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 100 миллион сўмдан оширилиши мўлжалланмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ,  
жамоатчи муҳбир

## Рухият сабоқлари

Боладаги қайсарликни ҳар ким ҳар хил қабул қилади. Кўпинча бу ота-бола ўртасидаги туганмас курашга айланиб кетади.

Айниқса, бола мўмин-қобил, айтганимни индамай қилиши керак, дейдиган ота-оналар бу муаммога кўпроқ дуч келади. Бу кўпинча зўравонлик ва нима қилиб бўлса ҳам бўйсундиришга асосланган авторитар тарбия усулидир. Бундай ота-оналарнинг жаҳлини чиқариш жуда осон, «туш пастга!», «ундай қилма, бундай қил!» деган буйруқлар қор қилмасе, улар ўзларини бутунлай йўқотиб қўядилар. Бақир-чақир, уриш, тарсаки билан йиғлаётган болани тинчитмоқчи, шафқатсиз жазолар билан уни ёлғон гапириш, ўғирлик қилиш, чекишдан қайтармоқчи бўладилар. Натижа эса аксинча — бола бадтар қаттиқ йиғлайди, ўспирин уйдан қочиб кетади, ё кўчадан маслакдош топиб олади, ота-онасига бўлган ҳурмати йўқолиб, ўзи ва атрофдагиларни ёмон кўра бошлайди.

Вақт ўтиши билан ота-она қилаётган ишлари акс таъсир эртаётганидан ёқа ушлайди: назорат қанча кучайиб, вазиятни бошқараман деганлари сари у шунча қўл остидан чиқиб кетаверади, бола борган сари ўзини «яхшироқ» ҳимоя қила бошлайди. Ўз ичига беркингани сайин камгап, писмиқ, мактабда ва дўстлари орасида энг «ишқал» болага айланади.

Авторитар тарбия қиладиган ота-оналар ҳақиқатда болани дунёда ҳар нарсадан ортиқ кўради, аммо бир вақтнинг ўзида қаттиққўллик, бўйсундириш, калтаклаш, хуллас, ўз ҳукмронлигини ўтказмасдан болани яхши тарбия қилиб бўлмайди, деб ўйлашади.

Кизик, улар қаттиққўллик деганда нимани тушунишади? Психология фани бунга шундай таъриф беради: «...хайрихоҳлик ва босиқлик билан талабчан бўлиш. Болани ҳар нарсада чеклайвермасдан, унга танлаш, хато қилиш ҳуқуқини бериш ва ўз қилмишлари учун ўзи жавобгар эканини тушунтириш». Бундай талабчанлик ўзига ишонадиган, кучли характерли, ота-онаси ва одамларни ҳурмат қилиб, уларга ишонадиган болани тарбиялайди. Афсуски, амалда кўпчилигимиз қаттиққўллик деганда бақириб бериш, ҳар қадамини сўраб-сўриштириш ва жазолашни тушунади. Бу қаттиққўллик эмас боланинг хафа бўлиши, ўзини ҳақоратланган, ерга урилгандек ҳис қилиши, ўз яхшиликларига ишонмай қўйишига туртки бўладиган ёқтирмаслик ва айбланидир. Қалбида ўзини ёмон ва қадрсиз деб билган одам ўзини худди шундай тута бошлайди. Аксинча ўзини меҳр ва ҳурматга сазовор шахс деб билган одам ҳеч қачон жиноят, қабих, тубан иш қилмайди. Ўзингизни ким деб билишингиз сизнинг «мен»ингиздир. Рухшунослар бир овоздан шу ҳақиқатни тан олмақда: инсон ўз «мен»ига монанд иш қилади. Болангиз ҳақида нима деб ўйлаётган бўлсангиз, фарзандингиз ўша фикрингизнинг далили — аниқ нусхасидир. Ота-она боласини яхши кўриши мумкин, аммо ўта қаттиққўллик қилиши ва ҳадеб айблайвериши тескари оқибатга олиб келади — бола ўзини рад этилган, яхши кўрилмагандек ҳис қилади. «Мени яхши кўрмайсиз» — бу болангиз ўзини ўзи яхши кўрмаслиги, ўзини ҳурмат қилмаслигидан дарақдир



# Болангиз



**Қаттиққўллик — бу хайрихоҳлик ва босиқлик билан талабчан бўлишдир. Зўравонликдан воз кечсангиз, ҳақиқий ҳукмронликни қўлга киритасиз. Қалбида ёмон ва қадрсизман, деб баҳолаган одам ўзини худди шундай тута бошлайди.**

**Бола ўзида рўй бераётган бундай ўзгаришни тушунмайди, унга ҳеч ким муаммони тинч йўл билан ҳал қилишни ўргатмаган. Низоларни тўғри ҳал қилиш — бу катталарнинг вазифаси бўлмиш — ТИЛ ТОПИШИДИР.**

## Гапингизга кирмасе

ва бунда сизнинг ҳиссангиз бор. Тўғри баъзан тантқиқлиги тутиб қолган болалар нимагадир эришиш учун ҳам шундай дейди. Аммо бу юзтадан битта болага тўғри келади.

Ёшлиқдан «мен»нинг салбий образга айланиши ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин ва қаттиққўллик ба-рибир самара бермайди.

Шунга қарамай нега болаларни худди катталардек сўроққа тутиш ва жазолаш авж олган? Чунки бола кичиклигида бу усул ота-онага анча қўл келади. Ота-онасидан бўлак паноҳгоҳи бўлмаган гўдакни кўрқитиш осон.

Хўш, қаттиққўлликдан бўлак, бошқачасига қандай қилиб болани йўлга солиш мумкин? Жавоб галати туюлиши мумкин, аммо худди шундай — зўравонликдан воз кечсангиз, ҳақиқий ҳукмронликни қўлга киритасиз.

Ҳукмронлик — бу вазиятни бошқариш демак. Аччиқланиш, бақириб, газабланиш — ожизлик ва истаган нарсангни ололмаслигини кўрсатишдир. Яхшиликчасига, кўрқитмасдан қаттиққўл бўлиш сизга тўлиқ зафар ва фарзандингизнинг сизни кўрқиб эмас, яхши кўриб бўйсунганини таъминлайди. Бу муҳаббатга фақат сазовор бўлиш керак. Қандай қилиб? Боланинг ҳис-туйғуларини авайлаш ва уларни ҳурмат қилиш — мана калит. Бу бола истаганини қилади, унга ҳар нарсада рози бўлинг, дегани эмас. Аксинча фарзанд чегара борлигини билиши керак ва сиз унга шу чегарани белгилаб берасиз. Гап шундаки, қандай қилиб? Бу саволнинг жавоби фақат ота-оналарни эмас, психологларнинг ҳам бошини кўп қотирган. Кўплаб тадқиқотларнинг кўрсатишича, буйруқ бериш, жазолаш ва муштан кўрқитиб ўстириш усули болани, унинг туйғуларини ҳурмат қилиш ва мураса қилиш усулига қараганда самараси кам экан. Иккинчи усулда ҳам бола ҳам ота-она муаммога ечим қидириб, биргаликда ҳаракат қилгани боис бола ўзини яқна ва ҳимоясиз сезмайди. Ота-онаси унинг манфаатини ҳимоя қилиб, мулоимлик билан тушунтириши болани ота-онасига ишониб, унга қулоқ тутишига асос бўлади. Мураса қилишда бола низоларни маданиятли кишидек ҳал қилишни, фаросат билан йўл тутишни, ўзига ишониб вазиятдан чиқиб йўлларини қидиришни, ота-онаси ва ўзини яхши кўришни ўргана-

ди. «Менинг фикрим аҳамиятга эга, йўлимда учрайдиган муаммони ўзим еча оламан, менинг ўрнимга қарор қабул қиладиган, муаммоларимни ҳал қиладиган масъул шахсга муҳтож эмасман, ҳаётимни қуриш ва бахтли бўлиш қўлимдан келади» — мураса қилиб катта қилинган одам ана шундай шиор билан яшайди. Шафқатсиз авторитар муҳитда катта бўлганлар (аммо маънан эмас)да айнан шу тушунча етишмайди. Тушуниш, ўзини борлигича қабул қилиш билан тарбия кўрганлар катталарнинг фикрига ҳурмат билан қарайди ва улар қадрлайдиган нарсаларни қадрлайди. Доно ота-она боласига фикрини зўрлаб ўтказмайдиган, уни борлигича қабул қиладиган, бир бор гапириб фарзандга танлаш ҳуқуқини берадиган яқин дўст ва маслаҳатчи бўлиб қолаверади.

Болани ўзини бошқариш, ўз қилмишлари, сўзлари учун жавоб беришга куч ишлатмасдан ўргатса бўладими? Болалар ва ўсмирларнинг жинояти, ичкиликка, наркоманияга берилиб кетиши — бу ўзини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, болани авторитар равишда тарбиялашнинг оқибати, яъни ўзини бошқара олмаслик ва ҳаёти учун жавобгарлик ҳис қилмасликдир. Инстинктив равишда болада норозилик ва газаб бош кўтараверади, билдирмасдан ота-онасига аччиқ қилмоқчи бўлади. У бир вақтнинг ўзида ота-онасини ҳам ёмон кўради, ҳам яхши кўради, онгига сингдирилган кек ва алам уни тинч қўймайди. Бу икки қарама-қарши ҳис болани қоқ иккига бўлаётгандек унга қаттиқ азоб беради. У ўзида рўй бераётган бундай ўзгаришни тушунмайди, унга ҳеч ким муаммони тинчлик йўли билан ҳал қилишни ўргатмаган. Ота-она доим ҳақ, у эса айбдор, бу айбдорлик ҳисси ўзи билгандек иш қилишга йўл очиб беради. Бирор айтганига қулоқ солмаслик — ёмон, қулоқ солса ҳам — ёмон. Бундай оилада арзимаган нарсадан жанжал чиқади. Меҳр, ишонч зумда бу уйни тарқ этади. Бу ҳолат кўпчиликка таниш, шундай эмасми? Бундай тарбия бир хил якун топади: бола уйдагилардан қўлини ювиб қўлтиққа уради, ҳамкорлик ва мураса қилиш тажрибасини эгаллаш ўрнига бир дунё ечилмаган ички муаммолар «туғун»и билан уйни ташлаб кетади. Ота-онасига «миқ» этмай бўйсуниб, одобли,

мўмин-қобил, ҳеч қандай муаммо туғдирмайдиган болалар бахтли бўлади дейсизми? Адашасиз, бу болалар умуман ўз фикри, эътиқоди, интилиши бўлмаган, ҳеч нима ва ҳеч нарсага қизиқмайдиган одам бўлади. Бу боланинг ҳаёти катта бўлгунча текис ва равон кечади, аммо мустақил ҳаётга қадам қўйиш вақти етганда тобелик унга бирор қарор қабул қилиш, касб эгаллаш, ўзига ишонган турмуш ўртоғи ва масъулиятли ота-она бўлишга йўл қўймайди. Мустақил иш бошлаш, хатоларни тuzатиш, ўз қилмиши учун жавоб бериш талаб қилинмаган, аксинча бу ҳаракатлар чеклангандан кейин бундай одам ирода ва матонатни қаердан олсин? Гапга кирса бўлгани. Унинг фикри ҳеч кимни қизиқтирмайди. Бундай «кўғир-чоклар» кўпинча кучли шахслар қўлида тарбия қилинади. Бундай шароитда катта бўлган болалар ҳомий, мададкорнинг қаноти остида, унга ўз ҳаётини топшириб яшашни маъқул кўради. Тобеликда катта бўлган болалар уюштирилган жиноятчилик, ичувчи «дўст»лар ва турли секталарга қўшилиши жуда осон.

### Куч ишлатишдан мураса қилишга ўтинг

Ота-она ва фарзанд ўртасидаги ҳар қандай келишмовчилик томонлар манфаатининг қарама-қаршилигидан келиб чиқади. Бу инсонлараро муносабатда жуда табиий ҳолдир. Одамлар ўртасидаги муносабатнинг яхши-ёмонлиги уларнинг ҳафтада неча марта низога тўқнаш келиши билан эмас, шу низоларни қандай йўл билан ҳал этиши орқали баҳоланади.

Низоларни тўғри ҳал қилиш — бу катталарнинг вазифаси бўлмиш — ТИЛ ТОПИШИДИР. Ҳар икки тараф бир-бирининг фикрини эшитса, бирга ечим изласа, куч ишлатишга ҳеч қандай ҳожат қолмайди. Ҳар икки томонга маъқул келган ишнинг бажарилишини назорат қилиш, айтилган гапни бажариш шартлигини ўқтириш ҳам шартмас, чунки ҳар икки томон муаммонинг айнан шундай ҳал бўлишидан манфаатдор. Низодан, келишмовчиликдан кўрқиб, ундан қочишнинг кераги йўқ, чунки бу болага зўравонликсиз муаммони ҳал қилишни ўргатади. Совуқ ва қатъий оҳангда айтилган «мумкинмас», «шарт» сўзларини мулоим ва хотиржам бўлиб ай-

тсангиз умуман бошқача жавоб оласиз. Овозингизни кўтармай, бу масала сизни ҳавотирга солмаётгандек гаплашинг, фарзандингиз ҳам сиздан шуни ўрганади. Бировнинг фикрига ҳурмат ва эътибор билан қулоқ тутишни фақат ва фақат мулоимлик билан ўргатишингиз мумкин. Арзимаган нарсадан асабийлашиш сизга одат бўлган, демак бунда фарзандингизнинг айби йўқ. Ҳақиқатда қизиқсангиз, ота-оналар ва уларнинг фарзандлари қай оҳангда гаплашишини бир кузатиб кўринг, улар бир-бирларидан жуда кам фарқ қилади. Демак, ёқимли, мулоим, киноясиз, тўғри гапларни эшитишни истасангиз, ўзингиз намуна бўлинг. Оилавий руҳшунослар ота-онага қарабоқ болага ташхис қўйишади. Яъни феъли кенг одамларнинг болалари ҳам шундай, жаҳлдор оталарнинг фарзандлари эса жазога бўлади. Ҳар қандай ҳолатда қуйидаги ҳаракатлар фойдасиз эканини унутманг:

1. Болага бақириб;
2. Уни турли сўзлар, иборалар билан камситиш;
3. «...бўлмасе, кетиб қоламан», «...бундай қилмасанг, сени ёмон кўриб қоламан» деб кўрқитиш «сени бурга қақса, кўрпага ўт кўяман» дейишдек бемаъни;

4. Болани уриш, унга қарата турли буюмларни отиш.

Қаҳрингиз меҳрингиздан устун келаётганини сезсангиз, бирор бўш хонага қамалиб олинг ва ўнгача сананг. Тоza ҳавода сайр қилиш ҳам яхши фойда беради, аммо зинҳор жаҳл устида муаммони ҳал қиламан, деганг.

Бақириб, уришиш, хафа бўлиш, буйруқ бериш ва куч ишлатишнинг гувоҳи бўлган бола келишмовчиликни уруш деб билади ва ҳар қанақасига бу урушда голиб келиш керак, дейди. Аксинча, ҳамкорлик, ҳамжихатлик тарбиясини кўрган бола «мен билан ҳисоблашишади», «менга ишонса бўлади», «мен нимагадир арзийман», «биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилса бўлади» деб фикр юритади. Вақт ўтиши билан бу оилада ўзаро тушуниш, кечириб, ҳамдардлик кучайиб, низолар камаяди. Тинчлик-хотиржамлик қилган ҳаракатингиз ва сабрингиз учун энг яхши мукофотдир.

Гулгун СУЛТОНОВА  
тайёрлади

# Солиқ Ва Биз

Маъсуда Содикова ана шундайлардан. У «Ахсикент» қўшма корхонасини ривожлантириш — тикувчилик, тўқувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 150 млн. сўм ўз маблағи ҳисобидан инвестиция киритди.

Мақсад — аҳолининг тикувчилик, тўқувчилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, нархини арзонлаштириш, янги иш ўринлари яратиш эди. Шу ниятда 2006 йил февралдан иш бошлаб юборди.

Инвестиция ҳисобидан «Ахсикент» қўшма корхонаси зарурий материаллар ва қўшимча дастгоҳлар сотиб олиб, ишга туширилди. Фирма асосан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариб, барча турдаги эркалар, аёллар ва болалар ички кийимлари, спорт кийимлари, кўрпалар ҳамда чорвачилик, боғдорчилик маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади.

## Солиққа тортиш Тизимини Такомиллаштириш

**Бозор иқтисодийётига ўтиш шароитида кичик бизнес субъектларини ташкил этиш кўп маблағ талаб этмаслиги бозор конъюктурасига тез мослаша олиши, таваккалчиликлардан қўриладиган йўқотишлар камлиги, кредит олишнинг енгиллиги ва бошқа хусусиятлари билан улар бозор ҳўжалигининг фаол субъектларига айланади ҳамда иқтисодий ривожлантиришини ижобий кўрсаткичлар билан таъминлайди. Бунинг тасдиғини хориж амалиёти мисолида кузатиш мумкин. Германияда кичик бизнес субъектлари ялли ички маҳсулотнинг салкам 50 фоизини ташкил қилса, Японияда бу кўрсаткич 55 фоизни ташкил қилади, кичик корхоналар жами корхоналарнинг 99,6 фоизини ташкил қилади. АҚШда кичик корхонада банд бўлган аҳоли сони умумий бандликнинг 53 фоизини ташкил қилса, Японияда 71,7 фоизини ташкил қилади. Кичик корхоналар тадбиркорлик субъекти сифатида бозорнинг таъсир этиш омилларига дуч келади. Улар орасида солиқлар муҳим ўрин тутди.**

## Эртанги кун кафолати

Мазкур Фармондан кўзланган асосий мақсад ҳўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган рағбатлантириш тизимини яратишдан иборатдир.

Албатта, кўзланган натижаларга эришиш учун моддий асос, иқтисодий имконият зарур бўлади. Бу солиқ юкни камайтириш ҳисобига амалга оширилади, яъни мазкур Фармонга мувофиқ ҳўжалик юритувчи субъектлар энди уч йил мобайнида юқоридаги ишларни рўйбага чиқариш учун берилган банк кредитларини камайтиришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдоридан тегишли ҳисобот даврига ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, янги технологияларни жорий қилиш ҳисобига мол-мулк солиғидан беш йилга озод қилиб қўйилади. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлаш чоғида солиққа тортиладиган базани харид қилинадиган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилган ҳолда солиқ имтиёзи берилди. Бу имтиёзлар янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб навбатдаги

солиқ ҳисоботи учунгина қўлланилади.

Шуни унутмаслик керакки, агар технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан токи уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган ҳолатда солиқ имтиёзлари бекор бўлади. Қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетга тегишли солиқ ва божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади.

Бинобарин, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб мамлакатимизга олиб кириладиган технологик жиҳозларга қонунчиликда кўзда тутилган божхона тўловлари бўйича имтиёзлар Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган технологик жиҳозлар рўйхатида мувофиқ жорий қилинмоқда. Бу жиҳозларни олиб киришда қўлланиладиган имтиёзлар уларни етказиб бериш бўйича тузилган шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга ҳам татбиқ этилади.

Ҳукуматимиз томонидан кичик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратиладиганлиги боис, юртимизда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг қулоч ёймоқда. Муволафасиз айтиш мумкинки, биз мақтаб киядиган кийимларни ишлаб чиқарадиган хорижликлар сўнгги йилларда юртимизда фаолият юритаётган бир қатор корхоналар билан шартнома тузмоқдалар. Фикримизнинг далили сифатида тадбиркорлардан бирининг фаолияти хусусида тўхталиб ўтсак.

Тўрақўрғонлик тадбиркор аёл

Энг муҳими, ишлаб чиқариш ҳажмининг янада кўпайтириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида фаолияти тўхтаб қолган «Ахсикент» ўзбек-турк қўшма корхонаси 215 млн. сўмдан ортиқроқ инвестиция киритиш эвазига таъсисчиларнинг улушлари сотиб олинди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини, рақобатбардошлигини ошириш мақсадида фирмага 60 млн. сўмлик трикотаж полотно тўқиш дастгоҳи ўрнатилиб, ишга туширилди. Шу қатори, корхона биноси ва дастгоҳлари, тикув машиналари тўла таъмирдан чиқарилди.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури ҳам ортди. 60 нафар аёл доимий иш ўрнига эга бўлди, барча ишчилар фирма ҳисобидан бепул иссиқ овқат ҳамда маош билан таъминланди. Хуллас, фирма ҳақида ҳар қанча гапирсак оз.

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, Президентимиз фармонларидан руҳланган ҳўжалик юритувчи субъектлари маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, уларнинг юқори сифатли, экспортбоп бўлишини таъминлашда имтиёзлардан самарали фойдаланишмоқда. Эндилликда улар ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштириш чора-тадбирларини кўради. Зеро, бу юқори суръатда тараққий этаётган давр талаби ҳамдир.

**Оқилжон ПАЙЗИБОВ,  
Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи,  
Эргашали НИЗОМОВ,  
Тўрақўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи**

Солиққа тортиш тизимида олиб бораётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш ҳисобланмоқда. Ўзбекистонда кичик бизнесни солиққа тортишда умумбелгиланган солиқлар билан бирга, соддалаштирилган ягона солиқ тўлови ҳам жорий қилинган. Соддалаштирилган солиқ тизимида кичик бизнес субъектлари ўз ихтиёри билан ўтади. Барча солиқлар сингари солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими олдида, биринчидан, давлат олдида қўйилган ижтимоий-маданий тадбирларни амалга ошириш учун давлат бюджетини тегишли даромадлар билан таъминлаш, иккинчидан, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш вазифалари қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги қарорига асосан кичик бизнес субъектларини таснифлашда корхонада ишловчилар сони асосий мезон қилиб олинган. Бу муносабат йирик, молиявий жиҳатдан барқарор ҳўжалик юритувчи субъектларнинг солиқдан қочиш мақсадида мазкур тизимга ўтиб фаолият юритишларига имкон яратмоқда. Натижада давлат даромадларини шакллантиришга зарар етказилмоқда. Ана шуни эътиборга олиб, бу корхоналарнинг кичик бизнес субъектларига мансублиги мезонларини қайта кўриб чиқиш лозим. Чет эл таърибасида кичик бизнес субъектларини таснифлашда ишчилар сонидан ташқари ялли тушум ҳам инobatга олинади. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда 2005 йил 1 январдан бошлаб кичик бизнес субъектларини таснифлашда қатъий белгиланган меъёр мавжуд:

- Ишловчилар сони
- Низом жамғармаси ҳажми
- Активлар
- Товар айланмаси (даромад, фойда) ҳажми.

Мазкур муаммоли ҳолатдан чиқишнинг оптимал варианты, яъни йиллик ишловчилар сони, товар айланмасининг маълум миқдори белгиланиши ва шунга асосан кичик бизнесни таснифлаш тизимини қайта ишлаб чиқиш лозим.

Ягона солиқ тўловчи кичик корхоналарнинг қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши, уларнинг молиявий натижаларига салбий таъсир этишини ва иқтисодий ҳамкорлар учун ноқулайлик туғдираётганликларини инobatга олган ҳолда, ягона солиқ тўловчи кичик корхоналарни ихтиёрий танлов ҳуқуқи асосида, умумбелгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғига тортиш мақсадга мувофиқдир.

Отабек ҚОДИРОВ

## ТАДБИРКОР МАСЪУЛИЯТИ

Бекободлик тадбиркор Юнусали Маҳамовнинг шаҳар ҳокимлигига ёзган аризасида фаолиятини янада кенгайтириш учун банк мутахассислари маблағ ажратишни пайсалга солаётгани таъсирланган эди. Урганиш жараёнида бунга унинг ўзи сабабчи эканлиги, яъни биситидаги савдо дўконларидан кунлик пул тушумларни бир ҳафтадан буюн ҳеч қойга кириш қилмагани аниқланди.

Тадбиркор ва ишбилармонларга ҳукумат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда янги ишчи ўринлар барпо этиш бўйича шаҳар миқёсида ўтган семинар-кенгашда шу соҳада шуғулланаётган иштирокчиларнинг аксарияти «ер қизиб қоламан» деб ўйламаганди. Боиси, югуриб-елиб фаолиятини шакллантириб олгани билан қонунларни пухта билмаслик, барибир панд бериши мумкин экан-да!

Англаб етганининг садағаси кетай, деган гап бор халқимизда. Уша тадбир-

дан сўнг, бу борадаги аҳвол кескин ўзгарди: мавжуд 105 та ҳўжалик юритувчи субъектларнинг барчасида НКМ аппаратлари ишлаб турибди. Нақд пул тушуми тўлиқ ва ўз вақтида банк муассасасига кириш қилиниши натижасида ўтган ойларга нисбатан кунлик тушум 5 миллион 275 минг сўмга ошганидан ташқари нафақадорларга, ногирон ва кам таъминланганларга нафақа пулларини муддатда етказиб беришда узилишлар бўлмапти.

Шунингдек, ижтимоий масалаларни рўйбага чиқариш анча осонлашиб, ободонлаштириш ишларида сезиларли силжишлар бор. Муҳими, тадбиркорликни ривожлантиришга етарлича маблағ ажратилаёт-

ганлиги боис, 418 нафар киши фойдаланиш мекнатга жалб этилди: 10 нафар болалиқдан ногиронларга аравача, 24 нафар боқувчиси бўлмаганларга эса моддий ёрдам кўрсатилди.

Ушбу мисолларга бежиз эътибор қаратмадик. Илгарилари тадбиркордан фақат ҳужжатлар, ҳуда-беҳуда қоғозлар талаб этилиб, тарғибот ва ташвиқот ишлари анча назардан четда қолганди. Айни пайтда солиқ идораси мутасаддилари ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамкорлигида маҳаллалар ва ҳудудларда ишбилармонлар билан турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилапти.

Масалан, Аббосов кўчасида ўтган шун-

дай учрашувдан кейин шу жойда фаолият олиб бораётган ишбилармон А.Ҳайдаров 8 нафар кишини иш билан таъминлади, 2 нафар ногиронни ҳомийликка олди, ишлаб чиқариш ва фаолиятига ҳам барака кирди. Ёки 3-даҳадаги С.Мирвалиев, Рўдакий кўчасидаги А.Холиқовларнинг ҳам кўпга нафи тегапти.

Бироқ ўз манфаати йўлида ҳеч нарсдан тап тортмайдиганлар ҳам бор. Қисқа муддатли текширувларда улар фаш этилмоқда. Бир мисол. 3-даҳада яшовчи М. Бегалиева ҳеч қандай ҳужжатларсиз, уйда яширинча дорихона очиб, 402 хил турдаги дори-дармон воситаларини сотиш билан шуғулланган. Қонуний


ишлаб чиқаришни ривожлантириш ўрнига, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлари билан бир қанча кишиларнинг саломатлигига зиён етказган.

Шунингдек, «Ғалаба» кўчасида жойлашган «Кундузги чаман» хусусий корхонаси жамоаси, А. Мўминов, А. Ҳожихонов сингари «ишбилармонлар»нинг яширинча қатти-ҳаракатларига ҳам чек қўйилди.

Давлатимизнинг шу соҳага йўналтирилган қонуни ва ижросини таъминлашда маҳалла фаолларининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Ҳар бир ўзини ўзи бошқариш органлари таркибда солиқ ходимлари учун алоҳида хоналар ажратилган ва зарур қўлланмалар олиб келинган. Тадбиркор истаган вақтда шу жойга келиб, билмаган нарсаларини ўрганиши, мутахассислардан зарур маслаҳатлар олиши мумкин.



**Ғайратжон ФАЙЗУЛЛАЕВ,  
Бекобод шаҳар ДСИ бошлиғи**

**Ўзбекистон Metallургия ва  
машинасозлик саноати  
тармоқлари ходимлари қасаба  
қўшимаси Марказий кенгаши**




*Қон-металлургия  
саноати ходимларини  
қасб байрами билан  
самимий муқофакбод  
этади.*

*Уларга келгусидаги  
ярашувчанлик ишларида  
яннидан янни  
муваффақият ва  
зафарлар тилайди!*



*Барғанниза оилавий  
бахт, соғлик-саломатлик,  
тинчлик, шонувлик ва  
омад ёр бўлсин!*

ISHONCH



21-27 май


Душанба

21



5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

20.00 ТВ анонс. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Ойла ришталари»...



15.55 Дастурнинг оминиси. 16.00 «ДАВР». 16.15 «Ватанам»...

18.00 «Музыкальный день». Хужжатли сериал. 18.50 «Кино-SMS»...




17.50 Курсатувлар тартиби. 17.55 Мультифилм «Шумтакалар»...




Телемусобаболар дастури. 17.50 «Милос»...

«Спорт» телеархивидаги ўқув дастури 18.00 «Болалар спорти»...




10.45 «Ералаш». 11.00 «Новости». 11.20 «Юлита. Без комплексов»...




10.50 Т/с «Букта Филиппа». 12.40 «Вести. Дежурная часть»...

16.00 «Вести». 16.10 Т/с «Неотлолка». 17.05 Т/с «Таго втроём»...



05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Счастливые вези...». 09.00 «Сегодня»...



07.00 Победный голос. 07.30 М/с «Люди Икс»...

14.00 Т/с «Новые приключения Лесси», 25 с. 14.30 М/с «Аргай»...



07.00 М/с «Самурай Икс». 07.45 М/ф «Возвращение блудного попугая»...


Сешанба

22



5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

20.10 «Ойла ришталари». Теле serial. 20.50 Дунё илми...



6.55 Дастурнинг оминиси. 7.00 «ЯНГИ ТОН»...

16.00 «ДАВР». 16.15 «Ватанам». 16.20 «Улмас мусиқа»...




7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!»...

21.45 «ТВ юрист». 21.50 «Телекурьер - рынок»...




7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Милос»...




04.00 «Новости». 04.05 «Доброе утро». 08.00 «Новости»...


02.00 «Новости». 02.05 Х/ф «Костюмер»...




04.00 «Доброе утро, Россия!». 07.45 Д/ф «Валерий Ободзинский»...



05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!»...



07.00 Победный голос. 07.30 М/с «Люди Икс»...



07.00 М/с «Самурай Икс». 07.45 М/ф «Возвращение блудного попугая»...

Чоршанба 23



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.50 Дунё иқлими. 21.00 «Ахборот». 21.35 ТВ анонс. 21.40 «Қишлоқ ҳаёти».

YOSHLAR

6.55 Дастирунинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-қўнғилочар дастури.

16.20 «Ўлмас мусиқа». В. А. Моцарт. 16.30 Таътил олдидан: «Ғаройиб бола».



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 Салом, Тошкент! Кўнғилочар инфо-мациян мусиқий дастури.

22.30 «Пойтахт» ахборот дастури/рус/. 22.45 «Анонс».



7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00 «Хабарлар» (рус. тилида).

ПЕРВЫЙ

04.00 Новости. 04.05 «Доброе утро». 08.00 Новости. 08.20 «Малахов +».

00.00 Х/ф «Бездна». 07.45 Д/ф «Их могли не спасти».




04.00 «Доброе утро, Россия!». 07.45 Д/ф «Их могли не спасти».



05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!». 09.00 «Сегодня».

04.35 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».



07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс».



07.00 М/с «Самурай Икс». 07.45 М/с «Возвращение блудного попугая».

Пайшанба 24



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.10 «Ойла ришталари». Телесериал. 20.50 Дунё иқлими. 21.00 «Ахборот».

YOSHLAR


6.55 Дастирунинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-қўнғилочар дастури.

16.20 «Ўлмас мусиқа». Шарл Гунно. 16.30 «Хазина».



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнғилочар инфо-мациян мусиқий дастури.

21.30 «Пойтахт» ахборот дастури. 21.45 «ТВ юрист».



7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +».


ПЕРВЫЙ

04.00 Новости. 04.05 «Доброе утро». 08.00 Новости. 08.20 «Малахов +».

21.30 «Человек и закон». 22.30 Ночные новости.




04.00 «Доброе утро, Россия!». 07.45 «Мой серебряный шар».



05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!». 09.00 «Сегодня».

03.25 Т/с «Каменская».



07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс».



07.00 М/с «Самурай Икс». 07.45 М/с «Умка».

Жума

25




5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.00 ТВ анонс. 20.05 «ТВ шифокор».

YOSHLAR

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.

15.55 «Иклим». 16.00 «ДАВР». 16.15 «Ватаним!»



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусикий дастур.

21.25 «Анонс». 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.



7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +».

ПЕРВЫЙ

04.00 Новости. 04.05 «Доброе утро».

22.30 «Что? Где? Когда?» 23.50 Х/ф «Небесные создания».



04.00 «Доброе утро, Россия!» 07.35 «Вся Россия».



05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!»



07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс».



07.00 М/с «Самурай Икс». 07.45 М/ф «Умка ищет друга».

Шанба

26



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«Uzbekistan». 23.55 Кўрсатувлар дастури.

YOSHLAR

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.

16.40 «Айланай» 17.00 «Робинсонларникида меҳмонда».



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусикий дастур.

21.50 «Телекурьер-маркет». 22.10 «Истедод».




7.30 «Хабарлар» (Ўзб. тилида) 7.50 «Хабарлар» (рус тилида)

ПЕРВЫЙ

04.45 Х/ф «Охота на единорога».

15.30 Комедия «Неподдающиеся». 17.00 Вечерние новости.



05.00 «Доброе утро, Россия!» 06.30 «Сказки Здоровья».



04.50 Комедия «Мама, не горюй! 2».

18.00 «Сегодня». 18.40 «Профессия - репортер».




07.00 М/ф. 10.00 Х/ф «Чарли - одинокий кугуар».



07.00 Х/ф «Клуб шпионов». 08.25 М/ф «Миллион в мешке».


Якшанба

20



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

11.20 «Дунё таомлари». 11.40 «Рўзгор мактаби». 12.00 «Чумолилар хужуми».



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Ташкент!» Кўнгилочар информацион мусикий дастури.



7.30 «Хабарлар» (Ўзб. тилида) 7.50 «Бодрое утро».

«Металлург». 14.00 - 14.50 ПроФРИНГ. 17.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

ПЕРВЫЙ

04.40 X/ф «Неоконченная пьеса для механического пианино».

РОССИЯ

05.05 X/ф «Взрослые дети». 06.30 «Сельский час».

00.45 Комедия «Вокруг света за 80 дней».

НТВ

05.05 M/ф «Ну, погоди!» 05.45 X/ф «Джудльбарс».

ТВ-3

07.00 M/ф. 07.30 Жизнь, полная радости.

01.00 X/ф «Нападение акул в весенние каникулы».

СТС

07.00 X/ф «Каена. Пророчество». 08.20 M/ф «Стрела» улетает в сказку».

13.00 T/c «Виола Тараканова. В мире преступных страстей 3».

Информационно аналитический отдел компании «GENEROUS» предлагает Электронная версия (база) нормативных документов «Охрана труда и техника безопасности» - ОТБ

ОКНА ДВЕРИ ВИТРАЖИ Профили из мировых производителей АКФА и VERATEC В КРЕДИТ 50%

ОЛИМЛАР ТАН ОЛГАН КАШФИЁТ

Таникли рус олими М.Цвет ўсимликлардаги яшил модда — хлорофилл хоссасини ўрганар экан, ажойиб бир ходисани кузатади.

Маркази ва Жанубий Америкада жуда катта кўршапалаклар яшайди.

Вампир ўлжасининг қонини сўради. Қизиги шундаки, у тишлаб сўрган жойдан оққан қон қуюлиб қолмайди.

TV-MARKAZ

Душанба 21

07.00 «Премьера» (узб) 07.30 Ўзбек навалари 08.00 «Премьера» (рус)

Сешанба 22

07.00 Ўзбек навалари 08.00 Марказ NEWS (узб) 08.10 Марказ NEWS (рус)

Чоршанба 23

07.00 Ўзбек навалари 07.30 «Премьера» (рус) 08.00 Марказ NEWS (рус)

Жума 25

07.00 Ўзбек навалари 07.30 «Сунги кунгирок» 07.40 Ўзбек навалари

Шанба 26

07.00 Ўзбек навалари 08.00 Марказ NEWS (узб) 08.10 Ўзбек навалари

Якшанба 27

07.00 Ўзбек навалари 08.00 Марказ NEWS (рус) 08.10 Концерт

Теледастурлар «САДО» МЧЖ дан олинди

**(Боши ўтган сонларда)**

Б олиха Бекмирзанинг кўл телефонига беш-олти бор кўнгироқ қилди. Телефон учиб қолган мастдай миқ ҳам этмади. «Висолхона»га беш-ўн карра қилинган кўнгироқлар ҳам самара бермади. Ишдан кейин ўша ерга бориб, қош қорайгунча интизор кутишлар ҳам бефойда кетди. Бекмирза сувга чўккан тошдай ном-нишонсиз, дом-дараксиз эди. Уйига кўнгироқ қилиб бўлмаса... Орадан уч кун ўтди. Солиханинг ранги ўчиб, аллақандай бўшашиб юрганлигини кузатган Карима тушлик чоғида:

— Солиха! Нима бўлди ўзи? Тинчликми? — дея сўради.

Солиха бирдан кўзларига ёш олди.

— Айтишиб қолгандик Бекмирза ака билан... Айб ўзимдан ўтган. Энди... Уч-тўрт кундан бери на телефон қилади, на мени ахтариб, дараги йўқ...

— Ҳа, энди, эркак одам зарур иш билан бирор ёққа кетгандир...

— Йўқ, Карима, бу ерда бошқа гап борга ўхшайди.

— Яхши! Тушдан кейин мен уйига телефон қилай-чи...

Кечга яқин Карима уни кўзи тўрт бўлиб кутаётган Солиханинг кабинетига кириб келди.

— Телефон қила олдингизми? — дея Солиха ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа... уйда хотини бор экан... Божхонадан фалончидан, дедим. Баъзи нарсалар, эски ишларга оид тафсилотлар билан қизиқдим. Гап орасида Бекмирза акани ҳам сўрадим...

— Ҳўш? — дея юраги потирлаб кетди Солиханинг.

— Зарур иш билан... Россияга кетибди!

Солиханинг оёқларидан мадор кетиб, ўрнига ўтириб қолди. «Бир оғиз айтмай-а!».

— Хотинининг айтишича, кутилмаганда жуда зурар иш чиқиб қолибди, — дея Солиханинг аҳволини кўриб, ёлғонга ўтди Карима. — Самолёт тайёр экан, бир соат ичида жўнашга тўғри келибди. Ўғли билан қизи ҳам оталари кетгандан сўнг хабар топишибди...

Солиха синиқ жилмайди.

— Майли, Каримахон... Лекин қанчалик шошилишч бўлмасин, бир оғиз... айтиб қўйиш имкони топилади-ку! Ё бўлмаса, борган жойидан кўнгироқ қилиши мумкин эди. Хотини... Кайфияти қанақа?

Карима тугилиб қолди. Чунки Моҳигулнинг кайфияти баландлиги телефондаги суҳбатдан яққол сезилиб турган эди.

— Ҳа... Ўша... Ҳар доимгидай...

Солиха ортиқ савол бермади. Кечки пайт уйига етиб борди-ю, ўзини ёстиққа ташлади. Ярим тунга бориб иситмаса кўтарилди. «Тез ёрдам» келиб, шифокорлар муолажа кўрсатишди... Бир ҳафтагача у ишга чиқа олмади. Орада Карима бир-икки хабар олди. Солиханинг саволомуз қарашига хижолатлик билан рад маъносида бош чайқаб жавоб берди. Демак, Бекмирза идорага кўнгироқ қилмаган...

Бекмирза Омск шаҳрига бориб, савдо ишлари билан бир ҳафтача у ер-бу ерга қатнаб юрди. Лекин ишлар ўнгидан келавермагач, Благовешенск шаҳрига жўнади. Афсуски, бу ерда ҳам иши юришмади. Ҳамма жойда ўша — Хитой товарлари еру кўни босиб кетган. Бу товарларни бўлса, водийнинг ўзида шундай биқиндан — Қирғизистондан ҳам арзон-гаров олиб чиқиш мумкин. Ёғоч-тахта савдосига эса аралашиб бўлмайди — бу соҳани кўлга олган корчалонлар чўқиб ташлашади... Илгари катта ишлар

қилиб ўрганган Бекмирза турли консервалар, конфетлар, сут маҳсулотларини майдалаб харид қилишга бўйни ёр бермади. Буларни яхшиси Ўзбекистоннинг ўзида улгуржи тарзда олиб, дўконларда майдалаб сотавериш мумкин. Ҳеч қандай бош оғриқ, оворагарчилик йўқ. Бунинг устига йўл харажатлари, божхона машмашаларидан ҳоли бўласан. «Икки-уч йил орасида шароит шунчалар ўзгариб кетибди-я», деб ўйлади у Россия ишбилармонлари билан бесамар музокаралар олиб бораркан. Ҳа, кейинги уч йил ичида у Россияга деярли келмаган, улгуржи савдони бу ерда вақтинча яшаётган жиянларига топшириб қўйган эди. Сибир томонлардан ҳафсаласи пир бўлгач, Санкт-Петербургга — жияни Комилжон хузурига учиб борди. Комилжон тоғасининг оилавий можароларидан бохабар эди. Анчагина ўзини олдириб, ранги синиққан Бекмирзани

гандай... Аммо кўнглим нотинч, бир... нарсада хато қилдимми, деб галаёндаман...

Бекмирза жим қолди, Комилжон ҳам чурқ этмади.

Кутилмаганда Бекмирза юраги қаъридаги дардларини ўз жиянга тўкиб солди.

— Биласан, Моҳи билан яхши яшадик, худо икки фарзанд берди, рисоладагидек тарбиялаб ўстирдик, бирини уйлаб, бирини чиқардик. Севаранинг тақдири ўзингга маълум... Бироқ бу масалада кўпроқ қизимнинг ўзи айбдор. Ёшлигида мен югур-югур ишдан ортиб тарбиясига эътибор бермаганман, хотин ўзи иши билан уззу кун банд бўлган... Хуллас, оиладан кўра кўпроқ кўчанинг тарбиясини олди. Лекин, ўзинг яхши биласан, ахлоқи тоза... Кўрслиги, жанжалбозлиги кучли...

Бекмирза бир муддат жим қолди. Кейин Комилжонга аллақандай аянчли жилмайиш билан

либ ҳам нима қилардим. Мен бу ерга ўзимдан қочиб келувдим! Аммо юрагингни тарк этиб бўлмас экан! Уни ўйламаган куним, соатим йўқ!.. Минг марта телефон рақамларини тераман, яна ўчираман... Тушларимда азобланаман... Ҳатто... ўлгим келади, Комил! Ўлсам шу азоблардан қутуламанми, деб ўйлайман...

Солиха кечкурун ишдан қайтаркан, ўз кўча дарвозалари олдида турган зулукдай қора «Жигули»ни кўриб, юраги бирдан ҳаприқиб кетди. Бекмирза! Бироқ зум ўтмай ҳафсаласи пир бўлди: Бекмирзада бундай машина йўқ-ку, эски «Жигули»да юрмайди... Ичкарига кириб меҳмонхонада ўтирган одамга кўзи тушди-ю, кўнгли жойига тушди. Синглисининг қайноғаси, аллақайси илмий-текшириш институтида ишлайдиган Кабир ака. Олим одам, ўз соҳасида фан доктори бўлса керак, олий ўқув юртларида дарс ҳам беради шекилли,

кўнгироқ қилди.

— Солихахон! Мен... Кабир акани билан, — ўзаро саломалиқдан сўнг профессор мақсадга ўтди. — Бизнинг институти-тимиз биласиз... рангли металл ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш устида ишлайди. Кўп ёш олимларимиз чет элларда командировкада тез-тез бўлишади. Ўзаро ҳамкорлик мақсадида малака ошириш учун ҳам ходимларимиз узоқ муддатли чет эл сафарларига чиқиб туришади. Институт раҳбарияти четга чиқиш-кириш тартиблари тўғрисида бир суҳбат уюштиряпмиз. Шунга божхонадан сизни таклиф этмоқчийдик.

Солиханинг кулгуси қистади. — Раҳмат, Кабир ака... Аммо мен оддий лаборатория ходими-ман, холос. Ундай жойларга тезкор ходимлар, раҳбарлар боришади.

— Раҳбариятингиз билан гаплашиб кўрайми?

— Мени хижолат қиласиз, холос, Кабир ака. Бу тартиб-қоидаларимизга тўғри келмайди.

— Оббо! Наҳот иложи бўлмаса?

Солиха энди баралла кулиб юборди.

— Боришим сизга шунчалик керакми, Кабир ака? У ҳолда шундоқ ҳам боравераман!

— Келасизми?!

Кабир аканинг овозидаги ҳаяжон, интиқлик, ёш йигитларга хос сабрсизлик кайфияти Солихани хушёр тортирди. Нимага шама қиялти бу одам?

— Ўйлаб кўрармиз. Хўп, хайр. Эртаси кечкурун у синглисига кўнгироқ қилди.

— Нафиса! Қалайсан? Болаларинг яхшими?

— Шукур, опа, ўзингиз қалайсиз?

Солиха бир зум ўйланиб қолди. Нима дейди? Кабир акани сўрайдими?

— Ўтган гал уйга борибсан-у, мен келгунча кетиб юборибсан. Қайноғанг ўша ерда экан... Бугун кутилмаганда ишга телефон қилди? Нима гап ўзи?

Нафиса анчагача жим қолди. Сўнг оҳиста сўз бошлади.

— Мени кечиринг, опажон...

Сизга энди батафсил айтмасам бўлмайди. Кабир ака ўтган йили хотини билан ажрашган... Ўзингиз биласиз, биринчи хотини беш йилдан ошди қазо қилган, икки ўғли, бир қизи бор, ҳаммаси уйли-жойли... Кейинги хотини, рости ҳеч бировимизга ёқмади. Рўзгор тутишни билмас экан, фарзанд кўрмагани учунми, ёш болаларни ёқтирмайди. Кабир аканинг неваралари келса, гаши келганини ҳам яширмайди... Хуллас, турмушлари бўлмади...

Сизнинг Бекмирза ака билан никоҳингиз на аямга, на бизга тўғри келади! Келажоги йўқ бу турмушнинг! Опажон, ҳали олдинда қатор-қатор тўйларимиз, маросимларимиз турибди... Аям қариб қолди-лар... Акамдан энди умид йўқ. Келса ҳам бир меҳмон тарзида келиб кетади... Агар Бекмирза ака нариги турмушидан буткул воз кечганда, доимо ёнингизда бўлганда эди... Лекин билишимча, бунинг иложи йўқ...

Қўйинг, опа! Бас қилинг шу... ишни! Ҳали ёшсиз... Майли, Кабир ака ёқмаса бошқа лойиқ-қобил топилар... Лекин воз кечинг Бекмирзадан! Сизга яхшилик олиб келмайди у! Илтимос, опажон, менга ҳозир жавоб берманг! Гўшакни жойига қўйинг-да, бир ҳафта, бир ой ўйланг! Гапларимнинг мағзини чақинг! Хайр!

(Давоми бор)



## Алишер ИБОДИНОВ

# СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...

(Қисса)

профессор унвони бор. У кириб, Кабир ака билан омонлашди-да, синглисини ахтариб, теваракка аланглади. Баъзан синглиси Нафиса йўл устида бўлгани учун Кабир аканинг машинасига чиқиб онасидан хабар олар, Кабир ака кўпинча уни бу ерга ташлаб, ўзи уйга

кирмай кетиб юборарди. Бу гал негадир меҳмонхонага кириб, ўтириб олибди.

Онаси ошхонада куймаланаётган экан.

— Ая, Нафиса ҳам келдимми?

— Келувди... Зарурроқ иши бор экан, дарров кетди. Кеп қолар... Кабиржон кутиб ўтирибди-ю...

Кабир ака ёши олтмишларга бориб қолган, лекин ҳали мустақам, соғлом одам. Солиха бир чойнак чой кўтариб кириб, унинг қаршисига ўтирди.

— Тинч-омонмисиз, Кабир ака, уйдагилар...

— Раҳмат, Солихахон, ўзингизнинг ишларингиз қалай? Божхона анчагина тигиз идора...

— Тўғри, Кабир ака, лекин биз оператив хизматдан ҳолимиз. Лабораториядаман.

— Маъқул, ўзингиз боп иш экан...

Солиха ўнга чой узатар экан, олимнинг кўзлари аллақандай ялттираб, ўзининг кўкракларига қадалганини сезди-ю, гаши келди. Чойни меҳмоннинг қўлига тутқазди-ю, узр сўраб ташқарига чиқди.

— Ая, боринг сиз гаплашиб ўтиринг меҳмон билан, овқатни мен қилақолай...

— Вой ўлмасам! Ахир мен нима гаплашаман олим одам билан? Ўзинг ўтиравермайсанми... Гапи гапингга тўғри келади.

Лекин кампир Солиханинг гапини қайтармади... Солиха паловни сузиб келтирди. Ош устида яна анча суҳбат қуришди. Қизиқки, Нафисадан дарак бўлмади. Охири Кабир ака меҳмондорчилик учун ташаккур айтиб, ўрнидан кўзгалди...

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, Кабир ака Солиханинг ишхонасига

кўриб, ичида, «ўхў, кўш хотинлик эмириб ташлабди-ку, тоғамни», дея юраги ачишди. Бекмирза уч-тўрт кун Санкт-Петербургни айланди, Царское Селога ўтди, Комилжон қаердангир бир амаллаб топиб келган билет билан Питербург театрига — Кирилл Лавровнинг ижросини кўргани борди. У рус актёрлари ичида шу артистни жуда яхши кўрарди. Қачонлардир болалигида, Ленинград мудофааси ҳақида кўрган икки серияли фильмда Лавров бош роллардан бирини ижро этган. Ҳанда бу актёрнинг юксак маънавияти, маҳорати қалбини ром этганди. Лавров жуда қариб қолибди... Аммо актёр сифатидаги маҳорати асло сусаймаган. Театрда Бекмирза неча кунлардан буён қалбини ўртаб келаётган оғриқни қисқа муддатга унутгандай бўлди.

Комилжоннинг ётоғига қайтишгач, тоғасининг чехраси хиёл очилганини сезиб, жиян бир ютиниб олгач, гап бошлади:

— Тоға, уйлар тинчми, ахир?.. Негадир хомушроқсиз?

Креслода оёқларини чалкаштирганича нималарнидир вайсаётган телевизорга бефарқ термулиб ўтирган Бекмирза ярқ этиб жиянига қаради. Орада у-бу ўзаро келишмовчиликлар юз бериб турса-да, баъзан Бекмирза уни нодонлик, бефаросатликда айбласа-да, аслида жиянлари ичида унга яқин, садоқатлиси шу йигит. Россияда оилаб яшаб, Бекмирзани етарли маҳсулотлар билан таъминлаб туриш осон иш эмас. Аммо Комилжон бирон қарра ишдан, соғлиқдан ё шикоят қилган, ё улушининг оз-кўплиги ҳақида оғиз очмаган.

— Уйларда-ку, хотиржамлик жияним, ҳаммаси ўша ўзинг бил-

қаради-да:


— Кейин... анави аёл билан... танишиб қолдим... — деди тутила-тутула. — Тўғриси айтсам, сен балки куларсан, аммо, умримда илк марта мен... шу аёлни жонимдан ҳам ортиқ севиб қолдим! Кейинги пайтларда инсоннинг ёшаргани ҳақида олимлар ҳам кўп гапиришяпти. Ҳозирги эллиқдан ошган одам билан ўтган асрнинг 40-50 йилларида шу ёшга кирган одам ўртасида катта фарқ бор. Бизнинг болалигимизда эллиқдан ошган одамлар аллақачон қарилликни бўйнига олар эдилар. Ҳозир эса... Кексалик на руҳан, на жисмонан эллиқдан ошганларни забт этгани йўқ. Хуллас, мен бу гапларни ўзимни оқлаш учун айтаётганим йўқ. Бугунги жамиятда реал аҳвол аслида шундай, эллиқ — ҳали келажак учун режаларни бемалол тузаверадиган ёш. Балки шу ҳолат юрагимда севги ўти алангаланишига сабаб бўлгандир... Қанча можаролар бўлиб ўтди, хабаринг бор... Шу аёлга уйландим, бирга яшай бошладик...

Аммо орада у-бу нохуш ҳодисалар ўтди. Бола олдириди. Ўртада шу боис... англашилмовчиликлар юз берди. Назаримда унинг кўнгли мендан... совида! Мана шу ҳолатни илк бор сезган кунимдан бошлаб, менга кеча-ю кундузнинг фарқи қолмади, Комил! У эса ўзини мендан янада олиб коча бошлади. Телефон қилсам у-бу баҳоналар билан гапни шарт узади, айтилган жойга келмайди...

Мен бу ҳолга чидай олмаяпман! Асло чидай олмаяпман! Юрагим олов бўлиб ёняпти, нима қилишимни билмайман! Аслида Россияда сизлар бор, бу ерга ке-

Қадрли, муштарийлар!

Севимли газетангизда янгилик. Энди Сиз ўз минбарингиздан бемалол фойдаланиш имкониятига эгасиз. У орқали Сиз хоҳлаган мавзуда (шеър, мақола, туғилган кун муносабати билан табрик, фикр, ҳатто яқин дўстингиз, сеvimли ёрингизга салом йўллашингиз, дардларингиз, сизни қийнаётган муаммолар билан ўртоқлашингиз) чиқиш қилишингиз мумкин. Бунинг учун кўп нарса талаб қилинмайди. Фақатгина саҳифада бериб бориладиган махсус купонни тўлдириб, уни ўз дил изҳорингиз билан бирга қўшиб жўнатсангиз, бас. Бугўни бизга қўйиб беринг. Ахир, бу Сизнинг минбарингиз!



Мулоҳаза

Хар бир миллатнинг миллий анъаналари, қадриятлари турличадир. Биз ҳинд киноларини севиб томоша қиламиз. Унда ижро этилаётган миллий кўшиқларни тинглаб, гарчи тушунмасак ҳам дилимиз яйрайди. Ҳинд аёллари миллий либослари билан фахрланишади. Грузинлар бир-бирлари билан учрашиб қолса, миллий кўшиқларини айтиб вино ичаркан, ўз тарихлари ҳақида суҳбатлашаркан.

ҳаёт-мамот масаласи эканлигини ҳеч ким билмаса ҳам ўқитувчилар билади-ку... Шу ўринда Муҳаммад Юсуфнинг куйидаги сатрлари ёдга тушади: Асли турман қиз бир баҳона холос, Излаганим эди сизлар қабилар. Қўмсаганим ҳаё - момоларга хос, Соғинганим эди Қумишқибилар. Кийимнинг нархи, телефон русуми ҳеч нарсани

Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан

Албатта, ҳар бир миллат ўзига хос, мос бўлганига нима этсин. Афсуски, гуруч курмасиз бўлмаганидек, ҳаётда кўнгилсиз иллатлар ҳам учраб туради. Жумладан, ёшларимиз орасида Алпомиш, Гўрўғли ёки бошқа дostonларни ўқиганлари бармоқ билан санарли. Радио, телевидениеда берилаётган тановар, муножот ёки дилхирожларни тинглаш у ёқда турсин нималигини ҳам билишмайди. Унинг ўрнига бир кунда ўн марта қайта-қайта эфирга узатилаётган маънодан холи, мусиқаси ўғирланган, енгил-елпи куй-кўшиқлару, беҳаё клипларни кўриб ўтираверишади. Тинимсиз берилаётган сериаллар натижасида ҳатто биринчи синф ўқувчилари ҳам бир-бирини фильм қаҳрамонлари номи билан чақиради. Бу ҳол тарбиямизга салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас.

Қизларимизнинг калта юбкаларда юриши, тамаки чекиши, дискотекалардаги ўйинлари кундан-кунга оддий ҳолга айланиб бормоқдаки, уларнинг ота-онаси бормикин, тарбияси билан наҳотки ҳеч ким қизиқмаса деган оғриқли саволлар қаршисида бармогимизни тишлаб тураверамиз. Яқинда 69-автобуста бир аёл талаба қизни тарбиясизликда айблаётган кетди. Ораларида бирор гап ўтгандир деб ўйлади. Жанжалга айланган бу воқеанинг бош сабаби қизнинг ярим-яланғоч кийимдалиги экан. Ниҳоят бир отахон «Куйинма синглим, буларнинг ҳар бирига бақираверсанг умрингни қаритасан», деди. Қиз кейинги бекатда тушиб қолди. Демак, у ҳар кун шу кийимда дарсга қатнаган, наҳотки ўқитувчилари ҳам индамаса. Ахир А.Авлоний айтганидек, тарбия биз учун

белгиламайди. Инсоннинг муомаласи, одоби, энг муҳими сийратига қараб баҳо берилади. Тарихдан маълумки, соҳибқирон бобомиз Амир Темур дунёнинг турли нуқталаридан ишчиларни келтириб, меъморий обидалар қурдирган ва бу иншоотлар ҳамон олам аҳлининг ҳайратига сазовор бўлмоқда. Бугун айрим ёшларимиз даромад илинжида чет элларда турли юмушларни бажариб, машаққатли меҳнатдан кўп азоб чекмоқда. Айримлари қарз бўлиб, яна бирлари соғлиғини йўқотиб минг надоматлар билан қайтиб келмоқда. Афсуслар билан айтамузки, улар орасида қизлар сони ҳам анчагина... Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришга ўрганиб бораётгандаймиз назаримда. Шерзод АБДУСАМАДОВ

Нуқтаи назар

Яқинда бироз тобим қочиб, шифокор ҳузурига бордим. Ўзим истикомат қиладиган туман ҳудудида жойлашган поликлиникада 10 дан ортиқ дори-дармонлар номи ёзилган қоғозни беришди. Уни кўтариб дориҳона томонга равона бўлдим. Уйим каттагина бозор ёнида жойлашганлиги сабабли унинг ҳудудида бир қанча дориҳоналар мавжудлигини билардим. Статистикага қизиқшимданми ёки арзон дориларни излаганим сабабми, шу ҳолатга гувоҳ бўлдимки, биргина бозор ҳудудида 6

та, унга туташ кўчаларда эса 14 та дориҳона мавжудлигини билиб олдим. Ҳўш, шунча дориҳона бўлса нима қилибди, дерсиз. Тўғриси, уларнинг кўпчилиги бир тарафдан маъқул, нарх-навода рақобат бўлса, қанчалик арзон бўлса, менга ўхшаган харидорга яхши. Ахир 10 дан ортиқ дори учун яхшигина миқдорда пул кераклиги барчага аён-ку! Бундан ташқари, дориҳоналар сонининг ортиши 1-2 та бўлса-да, иш ўринларининг кўпайишига замин яратлади. Бир-биридан ҳашаматли, турли-туман дориларнинг реклама ёрликлари билан безатилган дориҳоналар соғлиғимиз учун жуда зарур бўлган маҳсулот билан савдо қилиши бир томондан, кўнглимизни хотиржам қилади. Лекин ушбу бозор ҳудудида лоақал

КИТОБ ДЎКОНИ ҚАЕРДА?

унинг ажабланиб қараши ва жилмайишини жавоб сифатида қабул қилдим. Энди фарзандимнинг илтимоси учун шаҳар марказидаги китоб дўконларига боришим керак, шекилли. Бозор маъмурияти эса ўзларига тегишли ҳудудда биттагина бўлса-да китоб дўкони очишни ташкиллаштиришса, айни муддао бўларди. Ҳақиқатни айтиладиган бўлсак, кичикроқ пештахталарда ҳар хил журналлару китоблар сотадиغان жойлар ҳам мавжуд. Бироқ уларнинг «фонди»ни хорижда чиққан, олди-қочди, маънавиятимизга мос келмайдиган китоблару журналлар ташкил этади. Бунинг эса болаларимиз учун умуман кераги йўқ.

Н.НОРМУРОВОДОВ

Турмуш чорраҳаларида

У остона ҳатлаб уйга кириши билан димоғига жаннатнинг ҳиди урилгандай бўлди. Аслида жаннатнинг ҳиди қандай бўлишини ўзи ҳам билмасди. Бироқ хонадаги муаттар ифор гўё жаннатнинг ҳиди бўлиб туюлди. Кўзлари энг аввало қадим усталар маҳорат билан ясаган реза тоқчалардаги гулдонларга тушди. Чинни райҳондан тортиб тоғ райҳонигача, гулсафсардан тортиб атиргулгача яшнаб турарди. Кийик ўти дейсизми, тоғ чойи дейсизми, яна номини билмайдиган аллақандай гиёҳлар гулдонларга тизиб ташланган эди.

У илгари ҳеч бунақа манзарага дуч келмаганди. Реза тоқчанинг ҳар бирида гул ёки гиёҳ бор эди. Уларнинг ҳидлари жамланиб, ўзига хос бир ифор яралган эдики, тўйиб-тўйиб нафас олгиси келарди кишининг.

Тўққиз рангин болорли бу уйда ҳамма нарса бир-бирига муганосибдай эди. Чиройли араби гилам солинган ўйининг бир четда эса оппоқ тўшақда 80 ёшни қаршилаган, қордай оппоқ соқоллари кўксига тегиб турган чол ўлим тўшағида ётарди.

Чолга нигоҳи тушган ҳар қандай киши унинг уч йилдан бўён тўшақда михланиб қолганини тасаввурга ҳам сиғдиролмасди. Гўё у ҳозиргина таҳорат олиб номоз ўқигану, бироз мизғиб олиш учун чўзилгандай эди. Бош томондаги бир коса сап-сарик анжир эса жаннатни эслатиб

турарди. Пиёладаги анжир сувини кўриб, ундан қошиқча билан чолнинг озғига томизилганини ҳам сезиш қийин эмасди.

Чолнинг ёнида 55 йил умргузаронлик қилган кампири қўлидаги райҳонлар билан уни елпиб ўтирарди...

Тириклик ва ўлим орасидаги манзара эди бу. Оғирлашиб қолиб, фоний дунёдан боқий дунёга йўл олаётган чолга кимпирининг сафар тадориги эди бу. Гарчи чол одам танимамай, ўзи билан ўзи овера бўлиб

қолган бўлсада, ошна-оғайнилар, қариндош-уруғлар келишаётганди. Дийдор қиёматга қолмасин дейишаётганди. Дийдорни ғанимат билишаётганди.

У ҳам худди шу сабаб келди. Шу сабаб келди-ю, умрида ҳеч қачон дуч келмаган манзарани кўрди. Ана шу манзарага сингиб кетган улкан бир қалбни — аёл қалбини кўрди.

Орадан уч кун ўтиб, чолнинг бандаликни бажо келтирганини эшитди ва дафъатан кўз ўнгида чолни райҳон билан елпиб ўтирган аёл намоён бўлди. Шунда илк бора рассом бўлмаганидан, аёлни шун ҳолатдаги расмини чизолмаганидан афсусланиб кетди...

Лопа УРОҚОВА

Мадорик



Ушбу суратни Тошкентлик муштарий Н.Назаров юборган

Мен ва Бўрибосар

КУЧОҚ ОЧАР БИЗГА КЕЛАЖАК

Қийин бўлиб қолди, билмадим, Нолий кетди бир осий банди. Маърузасин кўзга илмадим, Шукронани қилмадим қанди.

Йиғилган бу буғдой, хирмонин Мохиятин фараз қилсайди. Мустақиллик берган ҳар онин, Озодлик не, англ'й билсайди.

Таниб бўлмас қадамжоларини, Гуллаётган кўркам жамолин. Ишлаб чиққан машиналарини, Шаҳарларин қадди-камолин.

Търифласам арзимас нега, Тикланганим ипа! Ўлларнинг. Соф виждонли олқушга эга, Меҳнатини қадоқ кўлларнинг.

Ўзбек йиғит кураши учун Кўтарилса юртим байроғи. Ахир, айтинг, қувонмай нечун Жаҳон уни кўллаган чоғи.

Ўтиб кетар қийин дамлар ҳам, Дурқун ҳаёт куйи елажак. Сабр-тоқат, ақл бўлса ҳам Кучоқ очар бизга келажак. Уктам ДАВЛАТОВ, Богот туманидаги Қулоққорабоғ қишлоғи

Meҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, зехннинг ортиши.

КЕЧИККАН ИЗОХ Палапонлар юрингиз, Олиб борай сузишга. Аслохи йўл қўймангиз йўл қондасин бузишга. Ёнса гар яшил чироқ, йўрғалангиз басма-бас. Қуруқликда ҳаракат, Суздагига ўхшамас. Рустам САТТОРОВ, Наманган шаҳри

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №... Фамилиянгиз, Исмингиз, Отангизнинг исми, Туғилган йилингиз, Манзилингиз, Иш(ўқиш) жойингиз, Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?



# Олам

Воқеалар  
Тафсилотлар  
Шарҳлар

# ва Одам



лайдиган иш ўринларининг серхаражатлилиги ва ниҳоят, давлатда катта маблағларнинг нафақаларга сарфланиши билан ифодаланади. Учинчидан, миллатнинг йўқлиги бориши. Бу фанда депопуляция жараёни ҳам дейилади. Мисол учун, футбол бўйича 1998 йилги жаҳон чемпионатида Франция милли терма жамоаси таркибида асли келиб чиқиши грузин, арман, жазоирлик, кабо-вердиллик, сенегаллик, камерунлик, малилик футболчилар кўпчиликти ташкил этарди.

## ИНСОНИАТ ОЛДИДА НАВБАТДАГИ МУАММО

Яқинда вафот этган Россиянинг биринчи президенти Б.Ельциннинг ўлими олдидадан айрган охириги сўзи куйидагича бўлган экан: «Россияни асранг!» Бу гап билан у ер юзидан энг катта мамлакат аҳолисини асраш, тўғрироғи, камайиб кетишининг олдини олиш ҳақида ҳам қайғурган бўлса керак. Чунки олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирда Россия аҳолиси йилига деярли 1 миллион кишига камайиб бормоқда ва кино оҳангидан айрилган «агар шундай суръат кетаверса, 800 йилдан сўнг охириги россиялик ўзидан олдингисини дафн этади» башорати барчанинг олдида кўндаланг турибди. Хўш, дунё мамлакатларида бу жараён қандай бормоқда? Ёки бу фақат Россия аҳолиси учун хосми? Шу ўринда демограф-олимларнинг ушбу муаммага ёндашувини, уларнинг илмий таҳлилларини келтириб ўтамиз.

Газетамизнинг аввалги сонларидан биринчи дунё аҳолисининг кўпайиб бориши тўғрисида гапирилган эди ва мақоламиз сўнггида аҳолининг қариши — демографик инқироз ҳақида кейинчалик тўхталиб ўтишга ваъда берган эдик. Аввало, демографик инқироз хусусида айтиб ўтсак. Бу — бирор бир мамлакатда туғилишга нисбатан ўлимнинг кўпчилиги, кўчиб келувчиларга нисбатан кетувчиларнинг ортиқчилиги натижасида аҳолининг камайиб бориши жараёнлари тушунилади. Бунда ушбу давлат аҳолиси кескин камайиб боради ва у аҳолининг кўпайиши, ҳеч бўлмаганда, миқдорининг бир метёрда сақланиб туриши учун фаол сиёсат — демографик сиёсат олиб боради. Баъзи давлатларда бу муаммо давлат даражасидаги муаммодир. Мисол учун, Болгарияда шундай қонун бор. Янги турмуш қурган оилага 30 минг лев миқдорига банк томонидан узоқ муддатли кредит берилади. Агар улар битта фарзанд кўришса, ушбу маблағни тўлаш 5 мингга қисқаради. Фарзандлар сони 5 нафарга етса, банк қарзини кечиб юборади. Лекин шунга қарамай, мамлакат аҳолиси кескин камайиб бормоқда. Дунё мамлакатларида, тўғрироғи, Европа давлатларида бу жараён қандай оқибатларга олиб келмоқда?

Биринчидан, энг долзарб муаммо — иктимой-матнавий оқибат десак ҳам бўлаверади. Бу туғилишнинг кескин камайиши натижасида аҳоли ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқлиги ва ўз навбатида жиноятчилик, меҳр-сизиликнинг ортиб боришидир. Бундан ташқари, оилаларнинг инқирози, ота-онага ҳурмат ва бошқа муносабатларда келишмовчилик ортиб боради. Ахир қадимгилар бекорга «болали уй бозор, боласиз уй мазор», деб нақл қилмаганлар. Муаммо ҳозирда Европа давлатлари жамоатчилигини жиддий хавотирга солмоқда. Иккинчидан, иқтисодий сабаблар, яъни аҳоли таркибида туғилишнинг кескин камайиши натижасида қариялар салмоғининг ортиб бориши. Бу мамлакатда ишчи кучи етишмаслиги ва кескин қисқариши, қариялар иш-

Асли француз бўлганлар эса бармоқ билан санарли эди. Бу бироз муболағали ўхшатишдир. Лекин яқиндагина сайланган янги президент Николя Саркози ҳам асли венгриялик эмигрант оиласида туғилган. Европанинг кўп давлатларида бошқа миллатлар, асосан, Шимоллий, Марказий Африка ва Осиё мамлакатларидан келганлар кўпайиб бормоқда. Айнан Франциянинг собиқ президенти Жак Ширак депопуляция жараёни ҳақида ўз вақтида шундай баёнот берган эди: «Европа демографик нуқтаи-назардан йўқлиб бормоқда. Яна 20 ёки ундан ортиқ йил ўтиб мамлакатларимиз ўрнини «сахролар» эгаллайди».

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, иқтисодий тараққий этган мамлакатларда ушбу муаммонинг олдини олиш учун қарияларнинг меҳнат қилиши ёшини кўтариш, чет давлатлардан қонуний йўллар билан ишчи кучларини жалб қилиш тадбирлари қўлланилмоқда. Японияда, мисол учун, меҳнат ёши 70 ёшгача деб белгиланди. Лекин, юқорида айтиб ўтганимиздек, бу ёшдаги ишчи билан 25-30 ёшдаги ишчининг фойдали иш коэффиценти ўртасидаги фарқи ўзингиз яхши тушунаси.

Россиялик демограф олим В.Медковнинг таъкидлашича, аҳоли таркибида туғилишнинг кескин камайиши яна бир салбий оқибатга олиб келади. Бу — оилада ягона фарзанд кўрилиши, биринчидан деярли барча олимлар таъкидлаганидек, оиланинг қайта тикланишида манфий кўрсаткичга эга бўлади. Яъни, ота-онанинг битта фарзанди уларнинг ўрнини тўлдиролмайди, камида 2 та фарзанд бўлсагина оила қайта тикланиши мумкин. Иккинчидан, ягона фарзанд оилада эгоизм — ўз манфаатларини кўзлаш кайфиятида ўсади. Кейинчалик у воёга етганида, бошқа тенгдошларига қараганда, бироз меҳрсизроқ, келажакда ота-онага нисбатан, оила қуришга нисбатан бефарқроқ ўсар экан. Фақат оилада тарбия ҳам муҳим рол ўйнашини унутмаслик керак. В.Медков эса олиб борган социологик тадқиқотларига суянган ҳолда юқоридаги фикрга келган.

Яқинда хорижда суратга олинган «Инсоният фарзанди» кинофильмида қизиқ бир факт келтирилди. Фильм илмий-фантастик характерга эга бўлиб, унда ер юзидан аҳолининг туғилиши камайиб кетиши, инсонлар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқлиги тўғрисида ҳикоя қилинган. Ер юзидан энг ёш киши аргентиналик Диего исмли йигитча бўлиб, у 18 йил, 4 ой, 20 кун яшаган эди. Тўсатдан уни ўлдириб кетилади ва жаҳон бўйлаб шов-шув тарқалади. Ахир, Диегодан кейин сайёрамизда бирор киши туғилмаган эди-да! Тўғри, фильм воқеалари 2027 йилда бўлиб ўтади ва у бироз муболаға тарзда суратга олинган. Лекин ундан дунё ҳамжамияти тегишли хулоса чиқариб олса арзийди. Зеро, биз ҳаммамиз Ер деб аталмиш катта кеманинг йўловчиларимиз.

**Нурбек ЮЛДОШЕВ**

## Бомба таркибида хлор борми?

*The Independent* газетасининг ёзишича, Ироқнинг Абу Сайда қишлоғида портлатилган бомба таркибида хлор моддаси борлигини Ироқ полицияси ва Америка ҳарбийлари инкор этишмоқда.



Аввалроқ жабрланувчилар даволанаётган госпитал маъмурияти, уларнинг ҳаво етишмаслигидан шикоят қилишганлигини маълум қилган эди. Шу боис, бомба захарли газ билан тўлдирилган, деган тахминлар ўртага ташланганди. Аммо, портлаш жойини кўздан кечирган Америка ҳарбийлари бомба таркибида бундай модда бўлмаганлигини билдиришди.

Эслатиб ўтамиз, Бағдоднинг шимоли-шарқидан жойлашган фермерлар қишлоғи Абу Сайдада 16 май куни портлаш юз берган, натижада 32 киши ҳалок бўлган ва 50 дан ортиғи жароҳатланган.

## Нобеллар музейи очилди

17 май куни Грузия президенти Михаил Саакашвили ва Швеция ташқи ишлар вазири Карл Бильдт Батумида ака-ука Нобеллар музейи очилишида иштирок этишди. Шунингдек, шаҳарнинг тарихий қисмида, 1921-1923 йилларда Швеция элчихонаси жойлашган бинода хотира тахтаси ҳам ўрнатилди.

Музейнинг очилиш маросимида Саакашвили «Грузия янгиликлари» агентлигига интервью бераркан «Ака-ука Нобелларнинг фаолияти Грузиянинг Европадаги ўрни қанчалик аҳамиятли эканлигини яна бир марта тасдиқлайди» деди.



Президентнинг сўзларига кўра, музейнинг очилиши Грузия халқи ва грузин миллати учун алоҳида аҳамият касб этади. Батумида Нобел музейини очиб гоёси мамлакат бошлиғига тегишли эди. У ўтган йили минтақа маъмурияти билан бўлган учрашувда шу фикрни ўртага ташлаганди.

Маълумки, ака-ука Нобеллар компанияси Боку нефтини Батуми орқали Европага ташиш билан шуғулланган. Батумининг Бензе районида уларга тегишли бўлган уй жойлашган. Сал аввалроқ, Кутаисида ака-ука Нобелларнинг фотосуратлар, ёзма ҳужжатлар ва бошқа материаллардан иборат шахсий архиви топилган эди. Ҳозирда улар музей экспонатлари қаторидан жой олган.

## Темир йўл қатновлари тикланди



Пайшанба куни 1951 йилдан буён биринчи марта Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги чегарани икки йўловчи поезди кесиб ўтди.

Жанубий Кореядан Шимолий Кореяга йўл олган поездлардан бири маҳаллий вақт бўйича 12:17 да ярим оролнинг ғарбий қисмини кесиб ўтган. Шимолий Кореядан йўлга чиққан иккинчи поезд бир неча дақиқадан кейин шарқий қирғоқнинг чегара худудидан ўтган.


Поездларнинг ҳар бирида 100 нафар жанубий корейлик ҳамда 50 нафар шимолий йўловчи бўлиб, унинг таркибида сиёсатчилар, таниқли кишилар ва 1951 йилдаги сўнгги қатновларда қатнашган жанубий корейлик кондуктор бўлган.

Поездлар қатновини йўлга қўйиш 2006 йилга режалаштирилганди, лекин Шимолий Кореянинг айби билан орқага сурилиб келаётганди. Ниҳоят ҳар икки томон ҳарбий раҳбарлари ўртасидаги музокаралар натижасида қатновлар йўлга қўйилди.

**Россия федерал божхона хизмати Американинг Нью-Йорк банкига нисбатан 22,5 миллиард АҚШ доллари миқдорига даъво билан Москва арбитраж судига мурожаат қилди, деб хабар беради РИА Новости.**

# 22,5 миллиардлик даъво

Адвокат Максим Смалнинг таъкидлашича, ушбу банк томонидан 1996-1999 йиллар мобайнида Россияга экспорт қилинган товарлардан тушган пул маблағларини ноқонуний легаллаштириш тизими ташкиллаштирилган. Божхоначилар Россиянинг 22,5 миллиард доллар зарар кўрганлигини ҳисоблаб чиқишди.



«Bank of New York» иши бўйича тергов 2000 йил бошида бошланган эди. Ушанда АҚШда Россия мафийасига тегишли пулларнинг мазкур банк орқали четга чиққанлиги ҳақида жанжал кўтарилган эди. Кейинчалик Россия банкларидан ўтказилган ушбу пуллар экспортчиларнинг яширин даромад манбаи эканлиги маълум бўлди. Бу можаро Россия банкларига тегишли хориждаги ҳисоб рақамларининг оммавий ёпилишига сабаб бўлганди.

2006 йилда банкнинг Шарқий Европа бўйича вице президенти Люси Эдвардс ва унинг эри Питер Берлин беш йил муддатга шартли равишда озодликдан маҳрум қилинган эди.

Улар молиявий фирибгарликларда қатнашганликларини тан олишиб, Россиядан Нью-Йорк банкига умумий ҳисобда 7 миллиард доллардан ортиқ маблағ ўтказилганлигини судга маълум қилишган.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаса уюшмаси Марказий кенгаши ва Марказий кенгашнинг Бухоро вилояти бўйича вакиллиги, «Қорақўлтёкс» қўшма корхонаси раҳбари

**Ботир ЭРГАШЕВНИНГ**

бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаса уюшмаси Марказий кенгаши ва Марказий кенгашнинг Бухоро вилояти бўйича вакиллиги, «Қорақўлтёкс» қўшма корхонаси касаса уюшма қўмитаси раиси

**Абдусалом НУРКУЛОВНИНГ**

бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Юз билан юзлашганлар

**Нуронийлари кўп юрт файзлидир. Зеро, «Кариси бор уйнинг париси бор», дея бежизга айтилмаган. Улар ҳаёт китобини биздан кўра кўпроқ варақлашган. Кексалар дуоси, панду насихати ёшлар учун бебаҳо қийматга эга.**

Корхонамиз фахрийси, 101 ёшли Абзал ота Комилов ана шундай пири бадавлатлардан. Жамоамиз аъзолари мўтабар отахонни фариштали зот сифатида эъзозлашади. Унинг дуосини олишга шошилишади. Абзал ота ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан ўтказган,

дига шериклиги билан ҳамкасблар ўртасида ҳурмат қозонди. Қанча дўстуқадрдонлар



Асрга тенгдош отахон

огир синовларга дуч келган. У кишининг ёшлиги қимматчилик, очарчилик ва фожиаларга тўла даврларга тўғри келди. Оддий қорин тўйдириш учун қора меҳнат билан шуғулланди. У замонларнинг қонунияти шундай эди.

Бу ҳам камлик қилгандай иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. У ўттиз беш ёшида урушга жўнади. Жангдошларда қон кечди. Урушнинг бошидан охиригача қатнашди. Уч марта огир ярадор бўлди.

Урушдан қайтгач, 1946 йилда бизнинг корхонага ишга кирди. Бу ерда узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилди. Меҳнатқаш, самимий ва ўзгалар дар-

орттирди.

Корхона отахон учун мўтабар масканга айланган. Нафақага чиққанига 35 йил бўлган бўлса-да, тез-тез қадрдон жамоага ташриф буюради. Бу ерда ўтган бахтиёр дамларини ёдга олади.

Яқинда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган тадбирга Абзал отани ҳам тақлиф қилдик. Филиал раҳбари Шарофиддин Қодиров асрга тенгдош отахон елкасига тўн ёпиб, жамият раҳбарияти дипломи ва совға-салом топширди.


— Худога беҳисоб шукрки, шундай озод, ҳур ва бахтиёр замонларни кўриш насиб этди,

— дейди Абзал ота. — Буларнинг барчаси Президентимизнинг оқилона, узокни кўзлаб амалга ошираётган сиёсати туфайлидир. Илоё, юртимизга кўз тегмасин, замонамиз бундан ҳам гўзаллашиб бораверсин.

Абзал ота саккиз фарзандни вояга етказди. Уларни ўзи каби меҳнатсевар, кўнгли пок инсонлар этиб тарбиялади. Бугунги кунда бир этак неварачеваралар ардоғида қариллик гаштини сурмоқда.

**Фазлиддин ИЛХОМОВ, «Ўзтемирийўлийловчи» ОАЖ ВЧД-2 филиали касабаяушма кўмитаси раиси**

Изоҳи сиздан...



Овқат ейиш пайида, Қидирдик бир егулик Излаб-излаб жойини, Кўрдик бир соясини. Теъда бориб емишга, Тушиб қолдик идишга.

**Нозимахон АХМАДБЕКОВА, 279-мактаб**

Бизни жуда авайлар, Эркалатади, бироқ, Ҳамма нарса етарли, Ухлашга ноқулайроқ.

**Фарход ПИРМАТОВ, Самарқанд вилояти, Булунгур тумани**

Куён зоти илгаридан, Ақли заиф гўр бўлган. Овчиларга ўлжа бўлиб, Пешонаси шўр бўлган.

Ҳечқиси йўқ бу сафар ҳам, Икки овсар нишонда. Лекин бу гал ўрмондамас, Пиво барда ... бакалда.

Қисматини кутиб турар, Икки «мистер» бечора. Қочай деса қочолмайди, Удум шундай начора.

**Содиқ ИСАЕВ, Самарқанд мебел АЖ директор ўринбосари**

Сабзи, карамни тишлаб, Ўтар эди кунимиз. Бизга берилди жазо, Пиёлада инимиз.

Эгизакмиз дунёда, Биз ҳайвонларнинг зўри. Чор атрофга қараб қўй, Келиб қолмасин бўри.

**Олим САИДОВ, Жиззах вилояти, Бахмал тумани**



Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ толинг-чи?


Ўйлар эдик дунёни, Шовқин суронли бозор. Тасаввурлар ўзгарди, Дунё экан жуда тор.

Мунажжим башорати

(19 майдан - 26 майгача)




**КҲЙ.** Келаятган ҳафта муҳаббат шаббодасидан баҳраманд бўласиз. Бахт келса қўшалоқ келади, деганларидек, меросхўрлик ҳам сизга насиб қилиш эҳтимоли бор. Дам олиш кунлари осуда ўтиши кутилмоқда. Яқинларингиз орасида сизни йўлдан урадиганлари ҳам бор, уларни ажрата олсангиз, йўлдан адашмайсиз. Душанба, чоршанба, жума ва шанба — муваффақиятли кунлар. Сешанба — огир кун.



**БУЗОҚ.** Сафарга чиқмоқчи бўлсангиз, муаммолар бўлмаслиги учун, об-ҳавони ҳам ҳисобга олинг. Молиявий томондан етишмовчилик бўлиши кутилмоқда, бироқ бошқа томондан хурсандчиликлар кўп бўлади. Фейлингиздаги жиззакликни камайтиринг. Сешанба ва чоршанба — хайрли кунлар. Зиддиятли кун — йўқ.




**ЭГҲЗАКЛАР.** Чигал вазиятлардан чиқшнинг айни вақти. Хушмуомалалик билан барча муаммоларни ҳал қилинг. Дам олиш кунларини оилангиз даврасида ўтказинг. Сизни қувончли танишув кутмоқда ва бу танишув орқали иш фаолиятингиз ҳам ўзгариши мумкин. Хайрли кунлар — душанба, сешанба, чоршанба ва якшанба. Зиддиятли кун — шанба.




**ҚИСҚИЧБАҚА.** Севги борасида сизни ўзгача бахт кутмоқда. Табиат қўйнида дам олишни истасангиз, ҳафта бошидаёқ ишларингизни тартибга келтиришингиз керак. Арзимаган сабаб туфайли режангиз ўзгариб кетиши ҳам мумкин. Сиз оила соҳасида ўзингизга хос қайтарилмас услубда иш олиб боришга киришасиз. Қувончли кунлар — чоршанба, жума ва шанба. Омадсиз кун — душанба.




**АРСЛОН.** Янги иш тақлифлари сизни ўйлантириб қўйиши мумкин. Бирор нарса харид қилмоқчи бўлсангиз, ҳеч иккиланманг. Севган кишингизга муаммоларингиз ҳақида гапирманг. Ҳафта сўнггида орзуингиздаги қимматбаҳо нарсани харид қилиш имкони туғилади. Хайрли кунлар — пайшанба, чоршанба ва якшанба. Огир кун — душанба.



**ПАРИЗОД.** Уринишларингиз зое кетмаслиги учун яхши маслаҳатгўй топишингиз керак. Бу ҳафтада харажатлар гирдобида қолишингиз кутилмоқда. Бировга ваъда беришдан олдин, ўйлаб кўришни одат қилинг. Омадингиз ҳаракатингизга боғлиқ. Омадли кунлар — сешанба, чоршанба ва шанба. Зиддиятли кун — душанба.




**ТАРОЗИ.** Куч ва имкониятингизни синаб кўриш учун қулай ҳафта. Ҳар нарсадан муаммо чиқарманг. Бу турмуш ўртоғингизнинг асабига тегиши мумкин. Сиз бошқаларнинг меҳнатини қадрлашингиз керак. Имкони борича олдинга қадам ташланг. Қулай кунлар — сешанба ва жума. Шанба — зиддиятли кун.



**ЧАЕН.** Ҳафта омадли келади. Тижоратчиларда даромадли кунлар кўп бўлади. Ҳар қандай ишда етарли даражада фаол бўлишга ҳаракат қилинг. Сизгирилик қобилиятингизга ишонсангиз бўлади. Соғлигингизга эътибор беришингиз керак. Хайрли кунлар — сешанба, пайшанба ва жума. Зиддиятли кун — шанба.




**ЎҚОТАР.** Таважжал қилиш омадли эмас. Олдинда ютқазилар кутмоқда. Севги билан боғлиқ муаммолар ва тортишувларга қаралашиб қолишингиз мумкин. Дам олиш кунлари сафарга қатнашингиз эҳтимоли бор. Яхсини, ҳал этилмай қолган муаммоларингизни ҳал қилиб, кейин сафарга чиқинг. Хайрли кунлар — сешанба, чоршанба ва шанба. Якшанба — огир кун.



**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Чиройли табассумингиз шайдолари кўп, аммо ўзингизга бино қўйманг. Вақтида оила қуриш ҳақида бош қотиринг. Бу ҳафтада шахсий ҳаётингизда муаммолар бўлмайди. Дам олиш кунларида маданий ҳордиқ чиқаришга вақт ажратинг. Дўстларингиз билан бўладиган учрашувларни яхши кайфиятда ўтказасиз. Хайрли кунлар — сешанба, жума ва шанба. Огир кун — пайшанба.



**ҚОВҒА.** Пулингизни жойи билан сарфлайсиз, шундай бўлса-да, маблағингиз етмай қолиши мумкин. Ҳафта сўнггида қизиқарли учрашувлар атнашчиси бўласиз. Молиявий муаммоларингиз олди олинади. Бу ҳафтада ишларингиз кўпайиб кетади. Яқинларингиз билан боғлиқ улкан шодийна кутмоқда. Омадли кунлар — чоршанба, пайшанба ва жума. Якшанба — зиддиятли кун.



**БАЛИҚ.** Сизда барчанинг эътиборини қозониш имкони бўлади. Олдиндаги катта ўзгаришларни қарши олишга мажбурсиз. Атрофдагиларнинг назарига тушасиз. Шошилич шартномалар тузишдан сақланинг. Ойнинг ўн беши ёруғ эканлигини унутманг.

Шанба ҳикмати  
Одамнинг энг  
ғўзал вақти —  
бошқаларга эзгулик  
қилган онларидир.

7/35 Sportlotto 111-тираж якуни

**22 000 000 jackpot**

2 8 18 33 24 34 14

7 та рақам - йўқ  
6 та рақам - йўқ  
5 та рақам - 24 та - 12000 сумдан  
4 та рақам - 430 та - 1200 сумдан  
3 та рақам - 2737 та - 400 сумдан

Манзил: 100027 Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 98-а ( "Пажмакор" МС).  
Тел.: 142-11-15, 142-12-95, Факс: (998 712) 142-37-89 www.sportlotto.uz

<b>Ishonch</b>	<b>Бош муҳаррир</b> Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ	<b>Бизга кўнгироқ қилинг:</b> Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	<b>Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев</b> Навбатчи муҳаррир - Ш.Норкулова Навбатчи - М.Мўминова Мусаҳҳих - Н.Юлдошев
	<b>МУАССИС:</b> Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	<b>Таҳрир хайъати:</b> Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсупов	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Таҳририятга келган қўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ① белгиси остида чоп этилади.
		<b>E-mail: ishonch-doverie@mail.ru</b>			<b>Буюртма Г-- 414</b> Тиражи: 16821 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.00 Сотувида эркин нарҳда 1 2 3 4 5 / 8